O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 27-aprel, chorshanba ● № 17 (717) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

19-20 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ташриф асносида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идораларо даражадаги 25 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида бир қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан ошади.

21 апрель куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.

22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

22-23 апрель кунлари пойтахтимизда «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ИНСОН ХОТИРАСИ — БОҚИЙ, ҚАДРИ — УЛУҒ

Ўтганларни, уларнинг хайрли ишлари ва жасоратини эслаш, бугун орамизда яшаётган, ҳаётимизга, ёшлар тарбиясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Зеро, инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғдир.

Инсон хотираси ва қадри улуғланадиган юртимизда Президентимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида ҳар йили кенг нишонланиб, жанг-гоҳлардан омон қайтган юртдошларимиз рағбатлантирилади. Жорий йил ҳам ушбу байрамни муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 22 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилади.

Республика Маънавият-тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда тегишли жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида вилоятимизда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирокида маҳаллаларда, таълим муассасаларида шу муносабат билан турли тадбир ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Ёшларимизни она Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кекса авлод вакилларининг алоҳида ўрни бор. Тинчлик ва озодлик учун курашган, элу юрт тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларнинг ҳаёти бугунги ёшлар учун ҳақиқий ибрат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент вилояти ҳокимлигидан маълум қилишларича, давлатимиз раҳбарининг фармонига асосан 3 майдан бошлаб туман ва шаҳарларда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига белгиланган 300 минг сўмдан пул мукофотлари тантанали равишда топширилади. Тузилган ишчи гуруҳлари томонидан уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларига бориб, уларга моддий ва маънавий кўмак берилади. Байрам совғалари топширилади.

Айни кунларда Тошкент вилоятида 872 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилмоқда. Тиббиёт ходимлари томонидан уларнинг саломатлиги доимий назоратга олинган. Барча зарур дори-дармон ҳамда протез-ортопедия мосламалари билан бепул таъминланмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

Суратда: *Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қашқадарёлик Аҳмад Жалилов набиралари билан.*

Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА)
олган сурат

"LACTALIS" ТАКЛИФ БИЛАН ЧИҚДИ

Франциянинг пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Lactalis" компанияси Италиянинг "Parmalat" озиқ-овқат концернини 3,4 миллиард еврога (4,9 миллиард АҚШ долларига тенг) сотиб олиш таклифи билан чиқди.



5-бет

ВАТАН ИСИ УФУРГАН БОҒЛАР

Меҳнатларим, интилишларим туфайли ниятим амалга ошди. Мана, бугун истиқлол тенгдоши бўлган ҳисобсиз лалми боғларим ўз ҳосилини бериб турибди. Уларга боқиб отамнинг пандлари кўнглимдан кечади: «Инсон туғилиб ўсган тупроғини қадрлаши керак».

6-бет

«МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМАН, ВАТАН!»

Хўш, бу байрам ёш ижодкорларга, талаба, ўқувчиларга нима берди?

Аввало, санъат коллежларининг ўқувчилари олий ўқув юрти талабалари ҳамда устозлар билан ёнма-ён туриб ижод қилдилар. Ўз ишларига разм солдилар, ўзгаларнинг асарларини кўрдилар.

8-бет

✓ Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

Ижтимоий шериклик

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини тўла рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришишда, уларнинг ролини кучайтиришда, ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда **"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши** муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда ижтимоий шериклик ғояси ижтимоий-меҳнат муносабатларига чуқур сингиб кетган. Унинг «трипартизм» ва «бипартизм» деган икки модели маълум. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг роли катта бўлмаган мамлакатлар (АҚШ, Канада, Буюк Британия)да иш берувчилар бирлашмалари ва меҳнаткашлар ташкилотлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик амал қилади. Бундай моделда ижтимоий низолар келиб чиққанда давлат ҳакам ёки воситачи ролида қатнашиши мумкин. Энг ривожланган трипартизм — уч томонлама ҳамкорлик Франция, ГФР, Швеция ва Австрияда мавжуд бўлиб, унда давлат фаол ижтимоий шерик ролини бажаради.

Мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари Бош Қомусимизнинг XIII боби ("Жамоат бирлашмалари")да ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, 2003 йил 29 августда қабул қилинган "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда Меҳнат кодексида ҳам ижтимоий шериклик тўғрисидаги бандлар мавжуд.

2 »

✓ Муносабат

Дунё тамаддунида ўзининг беқиёс таърифига эга бўлган Термиз шаҳри шу кунларда янада яшариб, ҳамманинг эътиборини ўзига қаратмоқда. Ўнлаб Термизий алломалар бешиги саналган бу муаззам шаҳарда саноқли кунлардан сўнг ёшларимизнинг катта спорт байрами — "Баркамол авлод" ўйинлари бошланади.

Бўлажак спорт байрами мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги тантаналари арафасида ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир. Боз устига, Президентимизнинг мусобақа бошланишига бир неча кун қолганда воҳага ташриф буюрганлари ҳамда бу ерда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар билан танишганлари бунёдкор сурхон аҳлига катта қувонч бағишлади.

Очиғи, бугунги Термиз мисолида ўтган 20 йиллик тарихимиз, ютуқларимиз алоҳида таърифга лойиқ. Тор ва диққинафас кўчалар ўрнида барпо этилган кенг ва равон шоҳ кўчалар, бир-бирини такрорламайдиган хиёбону мавзелар, энг замонавий меъморий ечимдаги муҳташам бинолар... Айниқса, сўнгги бир йил ичида кўҳна кент улкан чаманзор — гуллар шаҳрига айлантирилганини сўз билан таърифлаб бўлмайди.

2 »

✓ Мулоҳаза

ИНТИЗОМ — ЮКСАК МАЪНАВИЯТНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

Дугонам Ноиланинг укаси Адҳамнинг инглиз тилида гапирганига кўп гувоҳ бўлганман. Ҳали ўша тил грамматикасини унча ўзлаштирмаган бўлса-да, унча-мунча жаргон сўзларни жуда яхши билади. Яқинда уларникида бўлганимда Адҳамни суҳбатга тортдим. Гап мавзуси қизларга келганда унинг баҳри дили очилиб кетди. "Синфимизга янги қиз келди. Шу десангиз, роса кетворган. Устига устак, эгнидаги таранг футболкасига "Kiss me!" деб ёзиб қўйилган", — деди билагонлик қилиб. "Уни қўя тур, ўзингни футболкангдаги "I am crazy" дегани нимаси, бу ҳақоратомуз сўз эмасми?" — сўрадим ундан. "Э, бу ҳозир модадаги футболка. Устимда шунақа ёзув тургани билан ахмоқ бўлиб қолмайман-ку", — дея эътиборсиз жавоб берди у.

Афсуски, кўпчилик ёшларнинг эгнидаги "замонавий кийим"ларнинг аксариятида "I love you", "I miss you", "Crazy baby", "Dirty child", "Look at my bum" деган сўзларни учратиш мумкин. Мана шу сўзлар тафаккуримизга сингиб, маънавиятимизни емириб бормаяптими? Нахотки, одам талаффуз қилишга ҳам уяладиган шундай сўзларни кўришга мажбур этилса. Бу қандай маданият? Саволлар бисёр, бироқ натижа ўша-ўша... Мана шу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида умумтаълим мактаблари ва бошқа таълим масканларида ўқувчилар учун форма ташкил этилган ва бу ташаббус бир томондан ёшлар ўртасидаги тенгликни таъминласа, иккинчи томондан, "кўча маданияти"га берилишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ўқувчи маънавиятини шакллантиришда таълим-тарбия жараёни, тарғибот-ташвиқот ишлари билан бирга, кийиниш маданияти масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Олинган кўплаб таклифлар асосида ҳар бир мактабга ўзининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кийим дизайнини танлаш имконияти берилган. Бунда ҳудуднинг иқлим шароити, ўқувчиларнинг ёш ва физиологик ривожланиш хусусиятлари ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятларга мослиги инобатга олиниши зарур.

2 »

Ижтимоий шериклик

(Бошланиши 1-бетда.)

Аммо юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатларида фақатгина умумий нормалар ўрнатилган бўлиб, ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг аниқ механизм ва тартиби мавжуд эмас, бу эса қонун ижодкорлари томонидан тегишли ҳуқуқий асослар қабул қилинишини тақозо этади. Хусусан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш ва унда қуйидаги меъёрлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ушбу қонунда ишлатиладиган асосий тушунчалар таърифини, амалга ошириш механизмини, предметини, ижтимоий шерикликнинг шартномавий-ҳуқуқий шаклини, шунингдек, субъектларини ўз ичига оладиган умумий қоидалар.

Иккинчидан, қонуннинг мақсади сифатида фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликнинг турли хил шаклларини ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг ёдгорликлари бўлган объектлардан биргаликда фойдаланиш, уларни ҳимоя қилиш ва тиклаш, халқимизнинг маънавий анъаналари ва урф-одатларини, шунингдек, миллий маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш, хайрия фаолиятини тараққий эттириш каби муносабатлар.

Учинчидан, иқтисодий ўзгаришларнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатини таъминлаш, ижтимоий меҳнат ва улар билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизмини таъминлаш, жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини объектив ҳисобга олиш асосида унинг барқарорлигини сақлаш, жамоавий музокаралар, тарафларнинг икки томонлама консультацияларини ўтказиш, белгиланган тартибда қонунчликни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур қонунга мос равишда келишувлар, жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, жамоавий меҳнат низоларининг олдини олиш, уларни ҳал этишга кўмаклашиш каби вазифалар.

Тўртинчидан, музокара иштирокчиларининг манфаатларини ҳурмат қилиш ва уларни ҳисобга олиш, шартномавий муносабатларда иштирок этаётган тарафларнинг манфаатдорлиги, ижтимоий шерикликни демократик асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда давлатнинг кўмаклашиши, ижтимоий шериклар ва уларнинг вакиллари томонидан халқаро нормаларга, қонунчиликка амал қилиниши, ижтимоий шериклар ва улар вакилларининг ваколатлари, тарафларнинг тенглиги ва муносабатлардаги ишонч, бир-бирининг ишига аралашмаслик, ижтимоий шериклик соҳасига кирувчи масалаларни танлаш ва муҳокама қилиш эркинлиги, ижтимоий шериклар томонидан мажбуриятларни ўзаро келишув асосида қабул қилишнинг ихтиёрийлиги, жамоавий меҳнат низоларини ҳал қилишда қонунда назарда тутилган келиштирувчи тадбирларга амал қилиш каби принциплар.

Умуман олганда, Концепцияда илгари сурилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал қилишда, аҳоли қатламларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг тўлақонли ҳуқуқий таянчи бўлиб хизмат қилади.

Эркин ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Анжуман

Гўшт, сут мўл бўлади

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутасаддилари оммавий ахборот воситалари вакилларини Миллий матбуот марказига таклиф этиб, юртимизда чорвачилик бўйича қўлга киритилаётган ютуқларни ватандошларимиз билан баҳам кўришни мақсад қилганларини билдиришганида, очиғи, "Буям бир навбатдаги ҳисоботлардан биридир-да" деган фикр хаёлимдан ўтганди.

Топшириқ боис бордим, тадбирда қатнашдим. Аммо анжуманда қатнашганимдан афсусланмадим. Чунки баландпарвоз, реал ҳаётга мос келмайдиган олди-қочди гаплар ўрнига амалга оширилган ишлар хусусидаги аниқ-лўнда маълумотлар "деҳқонча тил"да йиғилганларга баён этилди-қўйди.

— 2006 йилда қорамоллар сони юртимизда 3 миллион 763 минг 600 бошни ташкил этган бўлса, давлатимиз раҳбарининг, ҳукуматнинг мазкур соҳага қаратган эътибори боис, ўтган йили бу кўрсаткич 9 миллион 93 минг 700 бошга етди, — деди вазир ўринбосари Шерали Нурматов. — Бу 2006 йилга нисбатан ўтган йилда 26 фоиз ўсишга эришилди, деганидир. Шахсий, ёрдамчи деҳқон хўжаликларида гўшт ишлаб чиқариш тўрт йилда 29, сут соғиб олиш 18,3, тухум етиштириш 39 фоизга кўпайди.

Вазир ўринбосари таъкидлаган бу рақамларни хаёлан таҳлил этаман. Чиндан ҳам нафақат пойтахт, балки чекка туманлар бозорларини айланганда ҳам семиз, ёғли гўштларнинг дўкон илгакларида осилиб турганига, турли идишларда тухумларнинг териб қўйилганига, сут, қатиқ, қаймоқ, творог, сариёғ каби мўл-кўл сут маҳсулотларининг харидорлар томонидан сотиб олинаётганига кўп марта гувоҳ бўлганман. Озиқ-овқат дўконлари-ю, супермаркетларда колбаса ва сосиска каби гўшт маҳсулотларининг кўплаб турларини кўриб, кўзингиз қувонади.

— Бугунги кунда шахсий, ёрдамчи деҳқон хўжаликларда юртимизда мавжуд қорамолларнинг 93 фоизи ва соғин сигирларнинг 94,1 фоизи парвариш қилинаётгани ҳисобга олинса, чорвачиликни ривожлантиришнинг келажаги ишончли қўлларда эканига амин бўлиш мумкин, — деди сўзини давом эттириб Ш.Нурматов. — Айнан шу ишнинг тўғри йўлга қўйилгани сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш яқин йилларда 1,5-2 баробарга кўпайишига эришилади.

Бир томондан бу муваффақиятларнинг асосига ҳиммати баланд халқимизнинг яратувчанлиги сабаб бўлса, иккинчи томондан шундай ютуқларни қўлга киритиш учун яратилган имкониятлар боис. Вазир ўринбосари узоқ гапириб, керак-кераксиз рақам ва иборалар билан йиғилганларнинг бошини қотириб ўтирмади. Аммо қўлга киритилган ютуқларни етарлича асослаб берди. Қолаверса, мавжуд муаммоларни яширмади, уларни бартараф этиш йўллари хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Бугун Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича карвонбошилик қилмоқда, — деди вазирликнинг матбуот хизмати раҳбари Муҳаммаджон Ибрагимов. — Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларимизда гўшт ишлаб чиқариш 2006-2010 йилларда 56,2, сут 84,3 фоизга ўсган бўлса, тухум етиштириш 3,7 баробарга кўпайди. Шунингдек, хусусий секторда ҳам шитоб ўзгача. Бугунги кунда республика бўйича ишлаб чиқарилган гўштнинг 95 фоизи, сутнинг 96,1 ва тухум етиштиришнинг 58 фоизи шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Яна бир гап: чорва молларини парвариш қилаётган инсонлар аҳолининг иш билан банд бўлганлар тоифасига киритилганини (уларга меҳнат дафтарчалари очилганини) ҳам соҳда амалга оширилаётган ишларнинг самарасидан даракдир. Шундай қилиб, 548189 нафар фуқарога меҳнат дафтарчалари очилибди ва чорва ишида банд бўлганлар сони республикамизда 893048 нафарга етибди. Рости, бу сўзларни эшитишнинг ўзи умид уйғотади.

Тадбирда чорва моллари бош сонининг ортиши, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг кўпайганига чорва моллари зотларининг яхшиланганги, пировардида, маҳсулдорликнинг ошгани, қолаверса, шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари учун соҳага доир сервис хизматларининг ташкил этилгани сингари қатор омиллар сабаб қилиб кўрсатилди.

Қорамолларнинг наслини қисқа давр ичида яхшилаш ҳисобига чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш уларни сунъий уруғлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ экани, ҳозир бу йўналишда ривожланган хорижий давлатлардаги зооветеринария хизматларининг тажрибалари ўзлаштирилгани ҳам таъкидлаб ўтилди. Ана шунда сутка давомида 50 литргача сут, йилига 1000-1500 килограмм гўшт берадиган сигир ва буқалар пайдо бўлиши қайд этилди. Қаламга олганларимиз бу соҳада эришилаётган муваффақиятларнинг юздан бирига тўғри келса, ажаб эмас.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Бунёдкор халқнинг эртаси обод, ёшлари бахтиёрдир

(Бошланиши 1-бетда.)

Хўш, бундай яратувчанлик нималар эвазига бўляпти? Албатта, энг аввало, мустақиллик туфайли, одилона сиёсат — халқимиз учун таъминланган улуғ неъмат — тинчлик-осойишталик, эртанги кунга ишонч туфайли.

Юртбошимиз Термизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, ҳар доимгидек, таъмирланган, янгидан бунёд этилган ижтимоий-маъмурий объектлар, тарихий обидалардаги ўзига хос жиҳатларни эътироф этиш билан бирга, келгусида қилиниши керак бўлган вазифаларга ҳам жамоатчилик эътиборини қаратди. Хусусан, Ҳаким Ат-Термизий мажмуасида соя-салқинли дарахтларни кўпайтириш, шаҳар марказида узукка кўз қўйгандек ярашган "Бахт уйи" ҳамда ўн минг томошабинга мўлжалланган "Сурхон" спорт мажмуасида қўшимча қулайликлар яратиш лозимлиги ҳақида таклиф берди.

Мамлакат раҳбарининг қадим ва навқирон Термизни янада обод этиш, уни нафақат вилоятнинг маъмурий маркази, балки мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга экани тўғрисидаги фикрлари келгуси ишлар учун дастуриламал бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг баркамол вояга етишлари йўлида қилаётган ғамхўрликлари, бу эътибор туфайли яратилаётган шарт-шароитлар бугун ҳар қандай ривожланган давлатларни ҳам ҳайратга солмоқда. Биргина Термиздаги "Сурхон" спорт мажмуаси қурилишига қарийб 19 миллиард сўм сарфлангани, бу каби ўнлаб спорт объектларининг мукаммал таъмирланиб, халқаро талаблар даражасига келтирилгани Ўзбекистонимиздаги иқтисодий барқарорликнинг ҳосиласи, дея ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

— Бутун умрим далада меҳнат билан ўтган, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли фермер Исахон Бахромов. — Фақат мустақиллик йилларидагина меҳнатим қадрланиб, давлатимизнинг олий мукофоти билан тақдирландим. Деҳқон тили билан айтганда, истиқлол туфайлигина деҳқонларнинг меҳнати қадр топди. Президентимиз ҳар гал Сурхон воҳасига ташриф буюрган чоғларида биз каби оддий деҳқонлар билан учрашмай, фикрлашмай қайтмайдилар. У кишининг пахтачилик, ғаллачилик соҳасида берадиган қимматли маслаҳатлари биз учун муҳим. Давлат раҳбари даладаги деҳқон ҳақида қайғурдими, унинг ҳолидан хабар олишга, фикр олиб, фикр беришга вақт топдими, билингки, бу мамлакатнинг эли ҳамиша тўқ, фаровон бўлади. Яна бир гап: "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ўтказилиши муносабати билан бунёд этилган иншоотларни кўрганимда, очиғи, ўз фарзандларига, келажагига шу қадар эътибор бераётган юртда яшаётганимдан яна бир бор фахрландим.

Ҳа, бугун Термиздаги улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида, мамлакат ёшлари учун яратилаётган беқиёс шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида ҳар бир сурхондарёлик қалбида шундай илиқ фикрлар мужассам.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

ИНТИЗОМ — ЮКСАК МАЪНАВИЯТНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

(Бошланиши 1-бетда.)

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 14 октябрдаги 283-сонли буйруғи билан «Умумий ўрта таълим мактабларининг ички тартиб-қоидалари» тасдиқланган. Унинг 3.4-бандида мактаб уставида белгиланган тартибда ўқувчилар формада ўқишга келиши, жумладан, ўқувчиларнинг кийим боши тоза ва озода бўлиши, ўқувчи қизларнинг сочлари текис турмакланган бўлиши, калта юбка ва олди ҳаддан ташқари очиқ кўйлак киймаслик, таълим муассасаси ҳудудида пардозсиз юриш, ўғил болаларнинг сочлари текисланган, мактабга шортик ва майкада, тиззаси йиртилган шим, ғарбнинг жангари фильм қаҳрамонлари акс эттирилган кийимларда келмаслик каби талаблар қўйилган, — дейди Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий ва таълим бўлими бош мутахассиси Равшан Эргашев. — Шунга асосан 2009 ўқув йилида мактаб формаси ташкил этилиб, республикамизнинг турли ҳудудларида жорий этила бошланди.

Суҳбатдошимиз берган маълумотларга қараганда, мактаб ўқувчиларининг формаси учун қуйидаги аниқ талаблар қўйилган:

Ўғил болалар учун: тўқ рангли шим, оч рангдаги кўйлак, тўқ рангдаги костюм, галстук сипо, бежирим андозада тикилган, тоза ва дазмолланган бўлиши керак.

Қиз болалар учун: тиззадан юқори бўлмаган тўқ рангдаги юбка ва оч рангдаги кофта, тўқ рангдаги костюм сипо, бежирим, ўта тор ёки кенг бўлмаган, ортиқча безаклардан холи, тоза ҳамда дазмолланган бўлиши лозим. Сочлар икки ёки битта қилиб турмакланган, пардоз-андозлардан холи ва тақинчоқлар меъёридан ошмаслиги керак.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бир хиллик, албатта, барча меъёрий талабларни ҳисобга олган ҳолда таъминланяпти. Кўпчилик ўқувчилар, баъзан ота-оналар орасида ҳам "У мумкин, буниси мумкин эмас" деган баҳслар қулоққа чалиниб туради. Бундай одамлар мактаб формасига ўтиш муносабати билан қўйилган талабларни синчиклаб ўқимаган ёки ўрганишмаган кўринади.

Масаланинг нозик томони, баъзи ўқувчиларда унинг моҳиятини тушунмаганлиги боис, ҳамма кийган кийимни кийиш ёки тенгдошлари билан бир хил бўлиб юришга истак ҳамиша ҳам бўлавермайди. Улар мактаб формасини кийганда ҳам "ажралиб" туришга ҳаракат қилишади. Бу ҳолат, айниқса, юқори синфларда кўпроқ кузатилади. Айрим ота-оналар орасида эса "Мени қизим ҳамма кийган кийимни киймайди. Кийганда ҳам ҳеч кимда йўқ, энг қиммат матодан тиктириб бераман" дейдиганлари ҳам топилиб туради. Ваҳоланки, бу ҳол бошқа бир ўқувчида ҳавас, баъзи шароити оғирроқ ўқувчиларда қандайдир ўксиниш ҳиссини туғдириши мумкин.

— Мактаб нимаси билан қадрли? Биринчи навбатда, тартиб-интизоми билан. Умуман мактабда ўқитиш тизими тартиб асосига қурилган. Маълумки, ёши тенг болалар бир синфда ўқишади. Улар ҳаммаси бир хил дарсликлардан фойдаланишади. Дарсларга бир пайтда кириб, бир пайтда танаффусга чиқишади. Бир дарс мобайнида уларнинг ҳаммаси бир фанни ўрганишади ва ҳоказо. Буларнинг аксини бир тасаввур этиб кўринг-чи: дейлик, ота-она райига бориб, ўқувчига истаган кийим-кечак кийишига қаршилик қилинмаса, юқорида таъкидланган дарсларга ҳам муносабат ўзгариши ҳеч гап эмас. Тасаввур қилинг: ҳар хил ёшдагилар бир синфда, кимдир дарснинг ярмида кириб келса, бошқаси чиқиб кетса, кимдир тарих ўқиса, ёнидагиси математика билан банд... Бунда маънавиятнинг олтин калити — интизом қаерда қолади? Хўш қай бири маъқул – тартибли ўқишми ёки... Худди шундай бир хил кийимда мактабда ўқишга қатнаш ҳам ўша мактаб тартиб-қоидаларининг бир бўлаги! Мактаб формасига жиддий муносабатда бўлиш керак, — дея ўз фикрларини биз билан ўртоқлашди меҳнат фахрийси Азиза опа Абдунабиева.

Аслида, инсоннинг мартабаси, қадри кийим билан ўлчанмайди. Эсимда, сўнгги қўнғироқни тарих ўқитувчимиз Шоира Ибрагимованинг таклифи билан бизнинг синф форма-фартукда кутиб олганди. Кўпчилик бошқача, безакли либосларни олдиндан олиб қўйгани боис бошида қаршиликлар бўлди. Бироқ "9-А" синфи ўша куни "Сўнгги қўнғироқ" тадбирига — сўнгги бор тўлиқ мактаб формасида чиқди. Ҳатто ўшандаги суратларимиз ҳалигача мактабимизда намуна сифатида осиғлиқ турибди. Ҳозир шаҳримиздаги деярли барча умумтаълим мактаблари оқ-қора рангдаги формага ўтишган. Бу фикрнинг исботини Чилонзор туманидаги 173-, Учтепадаги 44-, Мирзо Улуғбек туманидаги 112-, Олмазор туманидаги 243-сонли мактабларда кўрдик. Йўлимизда учраган ўқувчидан форма хусусида сўраганимизда, улар: "Барча дўстларим мана шунақа услубда кийинишади", дея кийимига ишора қилишди.

Аслидаям, мактаб — "модалар намойиши" эмас. У том маънода тарбия маскани. Ўқувчи тарбияни нафақат ўқитувчисидан, балки ён атрофидаги ўртоқлари ва ён атрофидаги муҳитдан ҳам олади.

— Иш юзасидан мактабларга борганимда ўқувчиларнинг формада юришлари жуда чиройли кўриниши билан бирга, уларнинг тартибли бўлишлари, ўзларини жамоат жойларида тутишлари ва ҳаттоки йўлакларда юришларига ҳам таъсир этишини кўрдим. Формада ўқувчи қаддини тик тутиб юради, ўқувчининг маълум бир тартиб-қоидага риоя этишни ақлан ҳис этади, — дейди Юнусобод тумани халқ таълими бошқармаси ходими Жасур Ўринбоев.

Маиший манфаатлар "оммавий маданият"ни келтириб чиқаради. Оммавий маданият эса асл қадриятларни емира бошлайди. Натижада миллат шаънига доғ бўлиб тушадиган ёт унсурлар пайдо бўлади. "Оммавий маданият"нинг асосий кўринишлари мақоламиз бошланишида келтирилган ҳолатлардаги кийинишда ҳам намоён бўлади.

...Ҳар куни университетга борадиган йўлимда бир мактаб бор. Унинг ёнидан ўтаётиб, мактабдаги оқ-қора рангдаги мактаб формасида қалдирғочдай тизилиб келаётган кичик синф ўқувчиларига назар соламан. Армонларсиз, шодон юрган ўқувчилик кезларимдаги каби формани яна бир кийсам эди, деган ўй хаёлимдан ўтади.

Маъмура ЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ЖАРАЁН

Солиқ

Йигирма икки миллион варақ тенг

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш ва улардан мақсадли равишда фойдаланиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада интерактив хизматлар кўрсатиш сифати кескин яхшиланиб, қўлами кенгайди. Ҳозир, масалан, биргина давлат солиқ хизмати тизимида 13 та маълумотлар тизими шаклланган. Уларнинг умумий ҳажми 549,6 гигабайтга, соддароқ айтганда, 22 миллион варақ ҳажмидаги ахборотга тенг.

Мен 19 йилдан бери солиқ тизимида компьютерлаштириш соҳаси бўйича фаолият юритиб келаман. Ёдимда, иш бошлаган дастлабки пайтда вилоят давлат солиқ идораларида бор-йўғи 2 дона компьютер бор эди. Ҳозир эса улар 500 га яқин энг замонавий компьютерлар билан таъминланган. Ўтган йиллар давомида юридик ва жисмоний шахслар маълумотлар базаси ташкил этилди. Солиқ тўловчилар билан ҳисоб-китоб ишлари тўлиқ автоматлаштирилди. Эндиликда Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга 10 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Янги жорий этилган ушбу хизматлар солиқ тўловчиларга жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияларни электрон шаклда жўнатиш, мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ қарзи, пеня, ҳисобланган, тўланган ҳамда ортиқча тўловлар тўғрисида, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширувлар натижалари бўйича маълумотларни тўлиқ олиш имконини беради.

2011 йилнинг ўтган биринчи чорагида маълумотлар дахлсизлигини таъминлаш имконияти катта бўлган, вертикал назоратни таъминлайдиган, WEB тизимида ишлайдиган "Солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иш жойи-4" (СИАИЖ-4) дастурий мажмуасини амалиётга жорий этилиши компьютерлаштириш соҳасида янги даврни бошлаб берди. Негаки, бу солиқ тўловчилар билан олиб бориладиган барча жараёнларни автоматлаштиришга замин яратди. Яъни, солиқ тўловчи электрон тартибда рўйхатга олинади, ҳисоботларни электрон тартибда юборади, электрон тартибда юборилган ҳисоботлар автоматик равишда унинг шахсий ҳисобварақасига ўтказилади. Бундан ташқари, солиқ тўловчиларнинг банклардаги ҳисобварақларига инкасса тўлов топшириқномаларини қўйиш ва қайтариб олишнинг автоматлаштирилгани солиқчиларга вақт ва маблағни тежаш имкониятини беради.

Асадулло ХЎЖАМҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси "Ахборот тизимлари" шўъбаси бошлиғи

Тўрт йилда бир марта

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида давлат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувининг олдини олиш учун шарт-шароит яратиш ва солиқ текширувлари сонини янада қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятини кўпи билан тўрт йилда бир мартда, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса уч йилда бир марта текшириш қатъий белгилаб қўйилди. Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари, микрофирма ва кичик корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти икки йилча текширилмайди. Бундан ташқари, солиқ текширувларини ўтказиш муддати 30 календарь кунидан ошмаслиги лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, Давлат солиқ хизмати органларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритишни ташкил этиш борасида тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлиги юқори даражада ташкил этилган. Тизимдаги янгиликларни солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида жорий йил бошидан ҳозирги кунга қадар солиқ органлари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жами 79 марта семинар-йиғилишлар ташкил этилиб, уларда 10 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари қатнашди.

Хуллас, солиқ тизимида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорларга берилаётган алоҳида эътибор ва имтиёзлар кичик бизнес субъектларининг жадал ривожланишини янада рағбатлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётидаги улушини тубдан оширишга хизмат қилади.

Бахтиёр БОБОЁРОВ,
Жиззах вилоят ДСБ бўлим бошлиғи

Сифат сертификати муҳим

Савдо тармоқларида сифат сертификатларига эга бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш бўйича Миробод тумани ДСИ ходимлари томонидан ҳам кенг қамровли ишлар қилинмоқда.

Жумладан, 2011 йилнинг 18 январь куни Миробод тумани Олтинкўл кўчаси 115-уйда жойлашган "Madat" МЧЖга қарашли пахта ёғи қадоқлаш цехида ўтказилган текширишда сифат сертификати ва кирим ҳужжатлари бўлмаган умумий қиймати 109 миллион 140 минг сўмлик "Донни" пахта ёғи масала ҳал бўлгунга қадар вақтинчалик олиб қўйилди. Худди шунингдек, айни шу манзилда жойлашган "Rustam-Doston" хусусий корхонаси савдо дўконидаги текширишда ҳам 13 миллион 839 минг 250 сўмлик сифат сертификати ва кирим ҳужжатлари бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чора кўриш учун ДСИнинг "Маъмурий амалиёт" шўъбасига топширилди.

Ботир ҲАЙДАРОВ,
Миробод туман ДСИ бўлими бошлиғи ўринбосари

Адлия почтасидан

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият ҳисобланади. Шу маънода истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилдики, бу фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган нотариал идоралар фаолиятида ҳам муайян янгиланишларга олиб келди. Зеро, нотариал ҳаракатлар ижтимоий, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш нуқтаи назаридан жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

НОТАРИАТ ИНСТИТУТИГА ЭЪТИБОР

Шу боис юртимизда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони нотариуслар фаолиятининг тубдан ўзгаришига асос бўлди.

Мазкур Фармон билан хусусий нотариуслар фаолияти тугатилди. Бу, ўз навбатида, нотариал идораларнинг самарали тармоғини тузиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга олиб келди. Нотариал идоралардаги шароитлар яхшиланди. Нотариал ҳаракатлар махфийлигини таъминлаш учун ҳар бир нотариусга алоҳида хона ажратиб берилгани фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам самарадорлигининг ошишига олиб келди.

«Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида нотариусларнинг касбий малакасини ошириш муддатлари, ўқишни ташкил этиш ва ўқиш якунида синов топшириш тартиблари белгиланган эса соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият нечоғли залворлиги эканлигидан далолат беради. Нотариуслар ва нотариал архив ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида Республика юристлар малакасини ошириш марказида ўқувлар ташкил этилди. Нотариуслар 5 йилда бир марта малака оширишлари белгиланди.

Нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларни қабул қилиш учун бевосита нотариал идоралар биносида кассалар очиш чорасининг кўрилаётганлигини нафақат нотаруислар, балки фуқаролар учун ҳам яратилаётган қулайлик ва имкониятлардан деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминали ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланиб бораётган бир пайтда нотариат институтига қаратилаётган эътибор мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Муҳаббат КОМИЛОВА,
Янгийўл туманидаги 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

ҲОМИЛАДОРЛИГИМ УЧУН ИШГА ОЛИШМАДИ

Ўқув юртини тугатгач, ишга кириш мақсадида тегишли маълумотларни топширдим. Меҳнат шартномасини имзолаш пайтида эса, раҳбарга ҳомиладорлигимни ҳам айтдим ва дарров рад жавобини олтдим. Бошлиқ ҳозир корхонада иш кўплигини ва таътилга кетмайдиган доимий ишчи кераклигини баҳона қилди. Ҳомиладор аёлни ишга қабул қилишни рад этиш мумкинми?

Жамила БАРАТОВА
Тошкент вилояти

Йўқ, мумкин эмас. Чунки ҳомиладорлиги туфайли ишга олмаслик аёлларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади. Сизнинг ҳолатингизда ҳам рад жавоби ноқонуний бўлиб, сиз судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Конституциясининг 46-моддасида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамланган ва бу тенгликни таъминловчи кафолатлар тизими белгиланган. Улар жумласига аёлларга ишлашлари, оилали бўлишлари, она бўлишлари учун шароитлар яратиш, оналик ва болаликнининг моддий-маънавий қўллаб-қувватланиши, ҳомиладор аёлларга ҳақ тўланадиган таътил ва бошқа имтиёзларнинг берилишини киритиш мумкин.

Меҳнат кодексининг 78-моддасида ишга олишда ноқонуний рад жавобини бериш мумкин эмаслиги таъкидланган. Унга кўра, иш берувчи шартнома тузиши мажбур бўлган шахсларни (энг кам иш ўринлари ҳисобига юборилган шахслар, ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача фарзанди бўлган аёллар, агар бу ҳолатлар ишга олмаслик учун сабаб бўлган бўлса) ишга олишда рад жавоблари қонуний эмас, деб ҳисобланади.

Мукаррам ЗУФАРОВА,
Чирчиқ шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси

Фаолият

ТОЗАЛИК ВА ОЗОДАЛИК — ТАНИ СИҲАТЛИК ДЕГАНИ

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Синонинг «Агар чанг ва тўзон бўлмаганда инсон минг йил умр кўрар эди» деган иборасини билмаган одам бўлмаса керак. Ҳақиқатан ҳам атроф-муҳит тоза бўлса, турли инфекциялар ва вируслардан эҳтиёт бўлса инсон ҳуда-беҳуда касалликка чалинавермайди. Бунга эришишнинг энг содда ва самарали усули эса, аввалдан тозаликка риоя қилишдир.



Теварак-атроф мусаффолиги билан бир қаторда истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тозалигига алоҳида эътибор қаратиш орқали аҳоли саломатлиги тўлиқ таъминланади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган давлат санитария-эпидемиология марказлари ходимларининг диққат-эътибори ҳам айни шу мақсадга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология маркази бош врачи Дилшод АЛИМУҲАМЕДОВ *билан суҳбатимиз марказ ходимлари томонидан шу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.*

— Маълумки, кунлар исиши билан санитария-эпидемиология маркази мутахассисларининг ташвиши кўпаяди. Йил-ўн икки ой бозор расталаридан сарҳил мевалар аримаса-да, баҳорий нозу неъматларнинг ўрни бўлакча. Улар билан боғлиқ юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, эпидемия тарқалишининг олдини олиш борасида белгиланаётган тадбирлар, янгича иш усуллари хусусида сўзлаб бersангиз.

— Дарҳақиқат, баҳор келиши билан бозор расталари турли хил кўкатлар, резавор мевалар, сабзавотлар билан тўлиб тошади. Уларни етиштириш, истеъмолчига етказиш бободеҳқонлар зиммасида. Бу жараёнда санитария гигиена талабларига риоя қилиш орқали аҳоли ўртасида ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишга эришиш мумкин. Зотан, ҳар қандай касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган афзал.

Айни баҳор-куз ойлари ўткир юқумли ичак касалликларининг авж олиши кузатилади. Улар асосан 2 ёшгача бўлган болалар ўртасида кўплаб учраши ва оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Нотўғри ёки сунъий овқатлантириладиган болалар кўкрак сути билан боқиладиган гўдакларга қараганда кўпроқ дардга чалинади. Тана ҳароратининг кўтарилиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, ич кетиши каби белгилар билан кечадиган ўткир ичак касалликлари ҳар қандай кишини ҳолдан тойдириши табиий.

Юқоридаги аломатлар кузатилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур. Ҳар бир оилавий поликлиника қошида орал регидратация пунктлари ташкил этилган бўлиб, у ерда беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

Аҳоли ўртасида касалликни камайтириш борасида шаҳар марказимиз томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили ўткир юқумли ичак касалликлари тарқаладиган мавсум олдидан шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси қошида узлуксиз фаолият кўрсатувчи штаб ташкил этилади. Рўйхатга олинаётган кундалик маълумотлар бу ерда йиғилиб, таҳлил қилинади. Мавсум давомида шаҳардаги барча очиқ сув ҳавзалари, ичимлик ҳамда оқава сувлардан мунтазам равишда намуналар олиниб, лаборатория таҳлиллари ўтказилади. Таҳлиллар натижасида зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, шаҳар даволаш-профилактика муассасаларининг тиббиёт ходимлари учун семинарлар ташкил этилади. Семинарларда шаҳар аҳолиси ўртасида ўткир диарея касалликлари профилактикаси, эпидемияга қарши чора-тадбирлар, ёш оналар учун гўдакни кўкрак сути билан боқиш, уларни сунъий овқатлантириш қоидалари, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Оддий мисол. Қўлни тез-тез ювиб туриш ҳам қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олишда ёрдам беради. Ҳолбуки, отабоболаримиз бежизга овқатдан олдин ҳам, овқатдан кейин ҳам қўл ювишни қайтақайта уқтиришмаган.

— Юқорида қайд этилган касалликлар нима учун айнан мева-чева билан боғлиқ? Уларнинг асосий манбалари нималардан иборат? Касаллик тарқалишининг олдини олиш мумкинми?

— Ҳаммамиз яхши биламизки, касаллик қўзғатувчилар тупроқда ва очиқ сув ҳавзаларида кўплаб учрайди. Ўткир юқумли ичак касалликлари қачон, қандай қилиб пайдо бўлишини дафъатан билиш мушкул. Улар қорин тифи, паратифлар, дизентерия, сальмонеллез ва бошқа касалликлар кўринишида кечади. Соғлом инсонга бу касалликларни қўзғатувчи микроблар ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари, хўл ва резавор мевалар, кўкатларни ювмасдан истеъмол қилганда ҳамда очиқ сув ҳавзаларида чўмилганда ифлос сув орқали юқиши мумкин. Яна бир сабаби тўй ва маросимлардан қолган тез бузиладиган маҳсулотлар, яъни тоғорада қайтган таомлар ва кремли қандолат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида ҳам аҳоли ўртасида касалланиш ҳолатлари қайд қилинган.

Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш ва истеъмол қилиш қоидаларига риоя қилинмаслиги ҳам ўткир юқумли ичак касалликларининг юқиши ва овқатдан заҳарланишга олиб келиши табиий. Бу каби салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида марказимиз томонидан мунтазам равишда лаборатория усулларини қўллаган ҳолда мониторинг олиб борилиши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Маҳсулотларни сертификациялаш тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2004 йил 6 июлдаги) қарорига кўра республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қатори хориждан келтирилаётган маҳсулотлар ҳам сертификатланиши мажбурийдир. Мазкур қонунлар ва ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида республикамиз ҳудудига хориждан келтирилаётган маҳсулотлар ҳам тегишли лаборатория таҳлиллари ҳамда экспертизадан ўтказилиб, аҳоли саломатлиги учун хавф туғдирмаган тақдирда, тегишли гигиеник ва мувофиқлик сертификатлари берилганидан сўнг республика ҳудудига киритилиши ва аҳоли истеъмоли учун савдога чиқарилишига рухсат берилади.

— Пойтахтимизда қурилиш майдонлари тобора кенгайиб бораётган бир пайтда атроф-муҳит тозалиги, ичимлик суви тармоқларининг аҳволи, сифати ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Шаҳар ҳудудида еттита коммунал водопровод мавжуд бўлиб, улар ягона айланма тармоқни ташкил қилади. Тошкент шаҳар аҳолисининг 99,8 фоизи водопровод, 88,9 фоизи канализация тизими билан таъминланган. Аҳолига етказиб берилаётган водопровод суви етарли миқдорда зарарсизлантирувчи ҳамда каогулянт моддалар билан таъминланиб келинмоқда. «Сувсоз» Давлат унитар корхонасига қарашли Бош водопровод иншоотларида аччиқ тош, суюлтирилган хлор ва гипохлорит натрий эритмалари захираси ташкил этилган.

Шунингдек, шаҳар ва туман бўлимлари томонидан тасдиқланган дастурга асосан «Сувсоз» Давлат унитар корхонасига қарашли Бош водопровод иншоотларидан, туманлар ҳудудидаги боши берк нуқталар ва ўзига хос манбалардан мунтазам равишда бактериологик, санитар-гигиеник, вирусологик, радиологик, паразитологик синамалар учун сувдан намуна олинади. Бундан ташқари, водопровод иншоотлари лабораториялари томонидан ҳар куни сув намуналари мунтазам равишда текширувдан ўтказилмоқда.

— Врач сифатида шу кунларда одамлар ўз саломатлиги ҳақида ўйлашларига сабаб борлигини биласиз. Айтинг-чи, Японияда рўй берган «Фукусима — 1» АЭС ҳалокатининг атроф-муҳитга ёйилаётган оқибатлари ҳудудимизга қанчалик дахлдор? Бу борада ташвишланишга ҳожат бўлмаса керак...

— Барча ривожланган мамлакатлар қатори бизда ҳам аҳолининг радиация хавфсизлигини таъминлаш мақсадида атроф-муҳитдан, тупроқдан, сув, ўсимлик дунёсидан мунтазам равишда радиологик текширувлар ўтказиб борилиши йўлга қўйилган. Атроф-муҳитда ўтказиладиган радиологик мониторингларда маҳаллий радиация даражаси, радионуклеидларнинг миқдори даражаси ўрганилади. Шунингдек, қурилиши тугалланган бино ва иншоотлар (турар жойлар ва маъмурий биноолар, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар, спорт мажмуалари ва ҳоказо)да радиологик синамалар ўтказилиб, гамма фон тасвирига туширилади. Шу билан бирга, республикамиз ҳудудига хорижий давлатлардан олиб келинаётган халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари, технологик ускуна ва жиҳозлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам радиологик таҳлиллардан ўтказиб борилиши йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, бу борадаги эҳтиёт чоралари тўла таъминланган.

Суҳбатдош:
Ҳидоят ЖЎРАЕВА

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 239-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Амалиёт

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод учқунини кўрганда ҳаммамиз ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётмиз қоидасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз».

Ислом КАРИМОВ,
«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан



Олий таълимнинг асосий талаби талабаларнинг муайян соҳа бўйича мавжуд назарий билимларини ўзлаштиришга ва уни амалда қўллашга қодир мутахассислар тайёрлашдир. Шу нуқтаи назардан журналистика факультетларида талабалар соҳага оид назарий билимларни ўзлаштириш билан бирга, ОАВда, матбуот хизматларида амалиёт ўтайдилар. Бу жараёнларда мунтазам қатнашганлар ўқишни тамомлаганда, муайян тажрибага эга ходим сифатида соҳага кўникма ҳосил қиладилар. Айниқса, мустақил фикрга эга бўлган, уни ифода этишга қодир талабалар ҳеч қанча вақт ўтмасдан жамоатчилик эътиборига тушади.

Маълумки, журналистика бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ эркин ижодий жараён ҳисобланади. Олий таълим муассасасида малакага оид зарур назарий билимлар берилса-да, бўлғуси журналистга нимани, қандай мавзуда ёзишни, тил ва услуб танлашни мажбурий тарзда ўргатиб бўлмайди. Агар ўқитувчи томонидан топширилган мавзу талабага ёқмаса, ўзида ёзишга иштиёқ бўлмаса у қалам тебрата олмайди. Ҳали ёзишни билмасдан туриб, талабани амалиётга эркин қўйиб юбориш эса, юришни билмаган болани назоратсиз қолдириш билан баробар.

Жаҳон журналистикаси таълими тажрибасида назарияни амалиёт тўлдиради. Талаба олий ўқув юртида ўқиш билан бирга, турли таҳририятларда ўз иқтидорларини синаб кўради. Бошқача айтганда, унинг етук мутахассис бўлишига оммавий ахборот воситалари ҳам бирдай дахлдор.

Шу ўринда амалиёт ўташ учун борган талабалар "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Маърифат", "Туркистон", "Жамият", "Ўзбекистан тудей", "Моҳият" газеталари, "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги таҳририятлари томонидан илиқ кутиб олиниб, улардаги иқтидорни юзага чиқаришга ҳаракат қилинаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу таҳририятларда амалиётда бўлган талабалар ўқишни битиргунларича "пишиб", соҳанинг оғир-енгилини, заҳматли меҳнатини кўриб, шаклланиб боришяпти.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетида талабаларни ана шундай ижодий ҳамкорликка, фаол амалиётга жалб қилиш масаласига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бу таълим масканига республиканинг етакчи газеталари муҳаррирлари, таниқли журналистлар тез-тез таклиф этилиб, суҳбатлар ўтказилади. Талабалар ишлаб чиқариш ҳамда семестр амалиётлари даврида ёзган мақолалари, тайёрлаган лавҳа ва эшиттиришлари ўртасида танловлар ўтказилади. Бундай ҳамкорлик талабаларни қизиқтириб қўйди. Айниқса, турли хил номинациялар бўйича ғолиб бўлган талабаларга муҳаррирлар ўзларининг эсдалик совғаларини топширганларида уларда касбга меҳр ва масъулият уйғонганини кўриб тутилган йўл тўғрилигига амин бўласан киши. Шу мақсадда қатор оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, телерадиоканаллар билан ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Талабалар одатда муайян вазият, ҳодиса ва муаммоларни тез илғаб олади. Уларни асосли таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Фақат ҳозирча улар талаба, амалий кўмак ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд. Шу боис, соҳада таълим берувчи профессор-ўқитувчилар билан бирга, оммавий ахборот воситалари мутасаддилари ҳам бу жараёнда фаолроқ иштирок этсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Назира ТОШПЎЛАТОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети кафедра мудири, филология фанлари номзоди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими мутасаддилари ҳудуддаги академик лицей битирувчилари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туришади. Асосий мақсад ўқувчилар ўртасида журналистика соҳасига қизиқишни ошириш, касбга тайёрлаш, йўл-йўриқлар беришдан иборат.

Ёшлар билан учрашув

Шундай ижодий анжуманларнинг бири яқинда Ёрмозор академик лицейида бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов ҳозирги кунда вилоятда фаолият олиб бораётган саксондан ортиқ оммавий ахборот воситаларида ижод қилаётган журналистлар ёши ўртача 51 ёшни ташкил этаётгани, таҳририятларда иқтидорли қаламкашларга муайян эҳтиёж мавжудлигини, шу боис ёш ижодкорларни оммавий ахборот воситаларига жалб этиш, келгусида мамлакатимиздаги журналист мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларига йўлланма бериш ишларни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзига хос ижодий мулоқот тарзида ўтган мазкур учрашувда "Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари бош муҳаррири Баҳром Обиджонов, вилоят телерадиокомпанияси раиси Иброҳимбек Ҳалимбековлар таҳририят ва телевидениеда олиб борилаётган ижодий жараёнлар ҳақида сўзлаб бердилар. Ҳар икки таҳририятда ёш ижодкорларга журналистика сирларини ўргатишда қўл келаётган "Устоз-шогирд" муносабатлари ҳақида мулоҳаза юритдилар.

Шундан сўнг лицей битирувчилари вилоятнинг бош газетаси ва телерадиокомпаниясида меҳмон бўлишди ҳамда у ерда ҳам соҳа ходимлари билан ижодий учрашувлар ташкил этилди. Иқтидорли журналистлар Бахтиёр Қамбаров, Абдужалил Бобожонов, Маъмура Абдураҳимова, Ҳошимжон Нуриддиновлар газетачиликнинг сир-асрорлари ва соҳанинг масъулияти, машаққати ҳақида сўзлар эканлар, бугун ижод қилиш учун барча шароитлар яратилганини фахр билан тилга олдилар. Учрашувдан руҳланган, ўз келажагини шу соҳа билан боғлашни дилига туккан ёш ижодкорлар зарур йўл-йўриқларни олиб туришлари учун таҳририятнинг тажрибали журналистларига бириктирилди ҳамда устоз-шогирд мақомида амалий машғулотлар уюштирилиши белгиланди.

Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими келгусида бу каби учрашувларни вилоятдаги бошқа академик лицей битирувчилари билан ўтказишни режалаштирган.

Махиёра БОЙБОБОЕВА,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Публицист ижодидан

«Айсберг» яратган журналист

Ёзувчи-журналист Алиназар Эгамназаров билан бир дўстимизнинг 70 йиллик зиёфатида бирга бўлиб қолдик. Куй, ашула, дўст-қадрдонлар гурунги, ўйин-кулги: шоир айтгандай, ҳамма хурсанд, ҳамма шод. Кимдир Алиназарни рақсга таклиф қилди. У шошилмасдан ўрнидан турди. Дўпписини қайтадан кийди, кўзойнагини ечиб қўйди. Бир дам мусиқага қулоқ солиб турди-да, йўрғалаб кетди...



Мен Алиназарни қўша-қўша мукофот олганида, иш жараёнида, топиб-топиб аския айтаётганида кузатганман. Аммо рақс тушганини сира кўрмаганман. Рақс — қўл, тана ҳаракатимас, куй уммонида маҳорат билан сузишдир. Томошабинлар рақс тушувчи воситасида куйни қалбларидан ўтказадилар, завқ-шавққа тўладилар. Алиназар куй поёнига етгунча даврадан чиқмади, ўзи ҳам, ўзгалар ҳам ҳузурланди.

Қобилиятли кишилар қандай ишга қўл урмасинлар, ёзиш-чизишгами, одамлар билан мулоқотми, барибир бетакрор шахс эканликларини намоён этаверадилар. А.Эгамназаров бадиий публицистикани айсбергга қиёслайди. Муз тоғининг кўзга ташланадиган қисми — амалга ошган мақсад. Сув остидаги қисми эса, меҳнат, изланиш, ижодий жараён, уйқусиз тунлар ифодаси. Шу ўринда журналист касбининг фалсафаси англашилинади. Журналист қандай жанрда ижод қилмасин, қаерда, қачон, кимлар даврасида бўлмасин, «айсберг» яратиши лозимлигини зинҳор унутмаслиги жоиз. Алиназар «Ижодий автобиография»сида венгер ёзувчисининг ғалати фикрини келтиради: «Ҳозирги замонда китоб ёзиш — шиша идишга хат солиб, оғзини сурғучлаб, денгизга улоқтириб юборишдек гап. У ўқувчига ё етиб боради, ё изсиз кетади». Бироқ китоб айсберг мисоли бўлса, зинҳор йўқолиб кетмайди.

XX асрда ноёб асарлар яратган журналистлар кам эмас. «Тайгадаги ёлғизоёқ йўл» ҳужжатли қиссаси ва «Шудрингдаги излар» китоби муаллифи Василий Песков, халқаро мавзуларда ёзадиган Мэлор Струанинг «Гринвич вақти ва асл вақт» ҳамда Анвар Жўрабоевнинг «Менинг XX асрим» асарларида олий мақомдаги журналистик маҳорат намоён этилган.

Журналист кўп юради, юзлаб кишилар билан учрашади, катта-кичик жанрда минглаб асарлар ёзади. Лекин моҳир журналист кўрган ва топганларининг асл-аслини қалб қаърига жойлайди, катта-катта асарлар концепциясини пишитади, залворли-залворли муаммоларни кўтаради. Алиназар Эгамназаров журналист касбининг нозик томонларини англаб етган, ҳаётий материал билан бадиий тўқимани санъаткорона улаб юборадиган мутахассис. Унинг «Сургун», «Сиз билган Дукчи Эшон» қиссалари, ўнлаб очерк, ҳикоя, этюдлари бор. Ҳақиқий журналист ҳамиша ҳаётнинг қайноқ жойларига, янгиликлар бунёд этаётган кишилар орасига, табиат қучоғига интилади. Ёзувчи ҳужжатхоналарда ойлаб-йиллаб ўтириб, ноёб асарларни ўқиб, ўтмишга нигоҳ ташлайди. Ана шу қиссаларини ёзиш учун Алиназар минглаб маълумот, далил, материалларни, ҳар хил буйруқларни синчиклаб ўрганган.

Ёзувчининг «Сургун» асари сарсон-саргардон бўлган инсонлар тақдири ҳақида. Тиконли симлар билан ўраб-чирмаб ташланган Шўро давлати ҳудудида сарсон-саргардонлик авж олган эди. Ўзбекистон ичида кечган долғали сур-сурларнинг ўзи бир тарих. Фарғоналиклар Тошкент, Сурхондарё вилоятларига, қашқадарёликлар Тошкент вилоятига, ҳамма вилоятлардан минг-минглаб кишилар Сирдарёга кўчирма қилинган. Олис Украина, Россия, Сибирга сургун қилинганлар озмунча бўлганми?!

Мазкур қиссаларни ўқир эканман, бир масалага эътибор бердим. Ҳар иккала асарда ҳам хомашё ҳаддан ташқари кўп. А.Чехов ғаройиб фикрни айтган эди: «Йиғилган материални тўлалигича асарга сингдиришмас, ортиқча масалликдан воз кеча олиш санъаткорликдир». Асарда маълумот, қаҳрамонлар, материал кўпайиб кетса — ортиқча юк китобхонга малол келади. Лекин А.Эгамназаров услубида таҳсинга сазовор бир хусусият бор: машҳур сиймолар авлоди суҳбатга тортилади. Улар номдор аждодлари ҳақида билганларини сўзлаб берадилар. Мунаввар Қори жиянлари, Салимхон Тиллахонов синглиси, Саид Аҳрорий қизининг ҳикоялари китобхонда хуш таассурот қолдиради.

Бирон бир бадиий ёки ҳужжатли асар йўқки, унда муаллифга тааллуқли томонлар бўлмасин. А.Эгамназаровнинг отаси, қариндошлари сургунлардан, иккинчи жаҳон уруши жангларидан четда қолмади. Муаллиф кўп асарларида уларнинг номларини тилга олади. Ёзувчи қалбига яқин кишилар ҳақида ёзса, характер кўзга ярқ этиб ташланади. Характер яратишда қаҳрамон руҳияти, тийнатини англашнинг ўзи етарлимас: қаҳрамонни чулғаб турган муҳит, табиий шарт-шароитларни ҳам чуқур билиши жоиз. А.Эгамназаров журналист сифатида воқеа тасвирига ўчроқ. Санъаткор ёзувчи характер руҳияти, моҳиятидан келиб чиққан ҳолда воқеаларни тасвирлайди. Муаллифнинг «Оқловдан сўнг» тўпламидаги Соҳиб Еникеев, Муҳаммадали Собир ўғли, Зиямат Ҳусанов, Шоҳмурод Олимов, Тўхтасин Жалолов, Жонти Исмоилов, Расул Исетов сингариларнинг характерлари эсда қолади.

«Оқловдан сўнг» тўпламига («Янги аср авлоди» нашриёти. 2011й.) ёзувчининг саккизта очерки киритилган. Одатда, очерк жанри икки вазифани бажаради. Биринчидан, ҳаётдаги янгиликлар очеркда кўрсатиб берилади. Иккинчидан, очеркда ҳаётда бор, ютуқлари билан бошқалардан ажралиб турадиган қаҳрамонлар ҳаёти тасвирланади. А. Эгамназаров ҳаётий қаҳрамонларни, уларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атворини акс этиради. «Гирвонлик Маллавой изидан» мақоласида Маллавой Боқибоев, «Ҳурриятга интилган инсон»да Муса Миразимов, «Беш жангчининг онаси»даги Зулфия Зокирова сингари қаҳрамонларнинг мураккаб тақдири, ҳаёт йўли тасвирланган.

Тўпламга журналист-ёзувчининг «Олтин, кумуш тош экан», «Маҳалламни қўмсайман», «Сурункали «дард» сингари ибратли мақолалари ҳам киритилган.

А. Эгамназаров серғайрат, ёзиб чарчамайдиган ижодкорлар тоифасидан. Унинг автобиографиясидаги қуйидаги қайд фикримиз исботидир: «... Машҳур олим Ҳабиб Абдуллаев ҳақида унинг рафиқаси Фотима Абдуллаева ёзган «Эл фарзанди» номли китобига, академик Обид Акрамхўжаевнинг «Ҳаёт сўқмоқлари», геология-минерология фанлари доктори Мирмажид Зокировнинг «Муздан чиққан чақмоқлар» биографик қиссасига, академик Ражаб Исломбековнинг «Таҳликали замонлар» асарига бадиий ишлов бериб, нашрга тайёрлаганман».

Тажрибасиз қаламкаш, ўзга соҳа мутахассиси қоралаган нарсани эпақага келтириб, «одам» қилгунча бадиий ишлов берувчи — нашрга тайёрловчининг она сути оғзидан келади. Алиназар бир эмас, бир нечта қораламаларни қайта ишлаб, нашрга тайёрлаганини айтдик. Ёдимда, бундан ўн беш йиллар чамаси муқаддам маҳалладошим Мирмажид ака Зокиров икки юз саҳифалар атрофидаги қўлёзма-қиссани кўтариб бизникига кириб келдилар. Ўзларига хос лутф, эркалик, ҳазилкашлик билан:

— Абдуғафур дўстим, мана бу нарса менинг ҳаёт йўлим — азобу изтиробларим, сарсон-саргардонлигим, тазйиқ гирдобидаги хўрлигу хорликларим. Бир кўрарсиз, қошкўзи, лаб-лунжи эпақага келиб, «одам» бўлиб қолар. Унда чўғ, инсоний дард, маҳкумлар тақдири бор, — деди.

Менинг маслаҳатим билан Мирмажид ака қўлёзмани мутахассис — моҳир ношир, журналист А.Эгамназаров қўлига топширди. «Муздан чиққан чақмоқлар» ҳужжатли қиссалари Алиназарнинг ижодий, маънавий саъй-ҳаракати билан «Шарқ юлдузи» журналининг 1998 йил 1-сонида чоп этилди.

Алиназар Эгамназаровнинг ушбу тўплами муаллифнинг қобилиятли ёзувчи, воқеа-ҳодиса, далил-маълумотлар руҳига кира биладиган олим эканини кўрсатади. Муаллифнинг ўзлиги — билими, укуви, тарихни ўзига хос нигоҳ билан кўра билгани кўзга ташланади.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
ЎзМУ профессори

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ҚУРБОНЛАР СОНИ ОРТДИ

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Японияда жорий йилнинг 11 март куни рўй берган кучли зилзила ва цунами оқибатида ҳалок бўлганлар сони 14 минг 340 кишига етган. Бедарак йўқолганлар эса 11 минг 889 кишини ташкил этмоқда.

Айни пайтда Хонсю оролининг шимолий-шарқий ҳудудларида қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Бу ҳудудларида 13 мингдан ортиқ одам вақтинчалик турар жойларда истиқомат қиляпти.

Япония ҳукуматининг расмий маълумотларига кўра, мамлакатда 150 мингга яқин уй бутунлай ёки қисман вайронага айланган. Умуман олганда, табиий офатлар натижасида етказилган зарар миқдори 25 триллион иен (308 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил қилади. Бундан ташқари, «Фукусима-1» АЭСидаги ҳалокат мамлакат иқтисодиётига 11 триллион иен (133 миллиард доллар) зиён етказгани айтилмоқда.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Венгрия президенти Пал Шмитт мамлакатнинг янги конституциясини имзолади. Конституцияни имзолаш маросими Шандор саройида тантанали равишда ўтказилган ва миллий телевединие орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинган.

Маълумки, бундан бир ҳафта муқаддам янги конституция мамлакат парламенти томонидан қабул қилинганди. Ушанда парламентдаги оппозицион партия вакиллари овоз бериш жараёнида қатнашмасликларини билдиришган эди. Уларнинг фикрича, мамлакатнинг асосий қонунида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла ўз аксини топмаган.

Ана шундай қаршилик ва норозиликларга қарамасдан конституция қабул қилинди.

СУЗИБ ЮРАДИГАН ГОЛЬФ МАЙДОНИ

Мальдив оролларида сузиб юрадиган гольф майдони қурилади. Агар режа амалга ошса, бу дунёдаги биринчи ана шундай иншоот бўлади.

Гольф иншоотидан 18 та лунка, яъни гольф чуқурчалари ўрин олади. Иншоот лойиҳаси АҚШнинг «Troon Golf» компанияси ҳамда Нидерландиянинг бир нечта архитектура бюролари томонидан ишлаб чиқилган. Ғаройиб гольф майдони қурилишига 500 миллион доллар миқдоридаги маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

СЎНГГИ 34 ЙИЛДА...

Бир фунт (0,45 килограмм) қаҳва 3 долларга кўтарилди. Бу сўнгги 34 йил ичида кузатилган энг юқори баҳодир, деб хабар беради «The Guardian» газетаси.

Ҳиндистон, Хитой, Индонезия ва Бразилияда севиб истеъмол қилинадиган «Арабика» номли юқори навли қаҳва ҳосилининг кутилганидек бўлмагани бунга асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Газетанинг ёзишича, қаҳва нархи дунё бозорида сўнгги етти ой давомида икки баробарга ошган. Бу жараён яна давом этиши эҳтимоли юқори, дея тахмин қилишяпти экспертлар.

Эслатиб ўтамиз, 1977 йили бир фунт қаҳва бирданига 3 долларга ошганди. Ушанда эрта тушган аёз туфайли Бразилия қаҳвазорларидан умуман ҳосил олинмаган эди. Бразилия дунёдаги энг йирик қаҳфа етишитирувчи мамлакат ҳисобланади. Бу ерда дунёдаги қаҳванинг учдан бир қисми етиштирилади.

"LACTALIS" ТАКЛИФ БИЛАН ЧИКДИ

Франциянинг пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Lactalis" компанияси Италиянинг "Parmalat" озиқ-овқат концернини 3,4 миллиард еврога (4,9 миллиард АҚШ долларига тенг) сотиб олиш таклифи билан чикди. Бу ҳакда AFP хабар тарқатди.

Жорий йилнинг март ойи охирларида "Lactalis" компанияси "Parmalat"даги ўз улушини 29 фоизга оширганидан кейин Италия ҳукумати чет эллик сармоядорлар билан маҳаллий компанияларнинг қўшилишини тақиқлаш борасида фармойиш қабул қилганди. Чунки маҳаллий инвесторлар доимо бозорда ўз ўрнини сақлаб қолишга эришади ва бошқаларни синдиришга уринади.

Агар икки йирик компания бирлашадиган бўлса, улар йилига дунё бозорига 14 миллиард еврога тенг бўлган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади.

Мазкур таклифдан сўнг Миландаги бозорда "Parmalat" акцияларининг нархи 11 фоизга қимматлашди.

26 апрель — Халқаро интеллектуал мулк куни

Ихтиролар ҳимояланган

Инсон ижодкорлиги биринчи ғилдиракни кашф этишдан то олий технологияларнинг энг янги авлодини ихтиро қилишгача, тошдаги расмлардан Интернет тизимигача бўлган узоқ ва машаққатли давр мобайнида тараққий этиб келмоқда. Бугун бугун жаҳонни қамраб олган биргина "ўргимчак тўри" воситасида ахборот, фикр алмашиш имконияти беқиёс даражада кенгайди. Зотан, янги билимлар ва технологиялар, улардан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида фойдаланиш кўлами ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамиятини, халқнинг турмуш даражасини белгилаб беради.

Тарихий формациялар ва инновацион майдонда ихтирочилик янгиликларининг амалиётга киритилиш эволюцияси жуда қадимийдир. Жаҳонда ихтирога патент биринчи бор 1421 йилда Флоренция шаҳар бошқаруви томонидан кеманинг айланма кранини ўйлаб топгани учун Филиппо Брунеллески номига берилган ва шундан бошлаб интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга асос солинган. Патент замонавий муҳофаза ҳужжатининг барча аломатларига эга бўлиб, унда ихтиронинг фойдалилиги, ихтирочига мутлақ ҳуқуқнинг берилганини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Уни бузганлик учун жазо чоралари ҳам ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 сентябрдаги қарори билан "Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки тўғрисидаги вақтинчалик Низоми" тасдиқланди ва кучга кирди. 1992 йил 1 октябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ташкил этилди. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофазалаш соҳасидаги амалдаги қонунчилигимиз бевосита мулкка эгалик ва илмий-техник ижодиёт эркинлиги ҳуқуқлари акс этган Конституциянинг 9-бўлими 32- ва 42-моддаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларининг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган Давлат патент идорасида 11 номдаги интеллектуал мулк объектлари давлат реестрини юритиб келаётир.

Бугун Ўзбекистон интеллектуал мулк объектлари муҳофазасига доир Париж, Берн конвенциялари, Мадрид битимига доир Баённома ва Протокол, Ницца, Страсбург, Локарно битимлари, шунингдек, 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идораларо шартнома ва битимларга имзо чеккан. Мазкур норматив ҳужжатлар илмий-техникавий ишланмаларни чет элда муҳофаза қилишга ва экспорт қилувчиларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ёрдам беради ҳамда хориж инвестицияларини миллий саноатимизга жалб қилишга йўналтирилган. Ҳозирги кунда Давлат патент идораси интеллектуал мулк объектларини қабул қилиш, илмий-техник экспертизадан ўтказиш ва муҳофаза ҳужжатларини беришда 5 та қонун асосида иш юритмоқда.

Патент идораси фаолиятининг биринчи босқичи (1992-1997 йй.) жаҳон патент тизими амалий иш тажрибасини ўрганиш ва иқтисодий оёққа туриш йиллари сифатида тарихимиздан ўрин эгаллади. Иккинчи босқич (1998-2008 йй.) интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилди ва турган гапки, бу катта иқтисодий самара келтирди. Жумладан, истиқлол йилларида "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида", "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида", "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида", "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида", "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Мазкур Қонунларнинг Давлат патент идорасидаги ижроси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мунтазам равишда муҳокама қилинмоқда.

Булардан ташқари, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган умуммажбурий характердаги 15 та ҳужжат ва идора фаолиятини тартибга соладиган 140 дан зиёд норматив ҳужжатлар ҳам рўйхатга олинганини қайд этиб ўтиш лозим. Булар ҳаммаси ривожланган давлатларнинг шу соҳада фаолият олиб борадиган идораларининг ишлаш механизмларини республикамизда тизимли ва самарали жорий этиш имконини бермоқда.

Навбатдаги учинчи босқич 2009 йилда бошланиб, "Ҳамкорлар билан ишлаш даври" деб номланади. Бу босқичда 20 дан кўпроқ вазирлик, қўмита, агентлик ва идоралар, 25 дан ортиқ олий ўқув юртлари, 10 дан зиёд йирик саноат корхоналари билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган интеллектуал мулк объектлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш вазифаси ҳам бизнинг муассасамиз зиммасига юклатилган. Шунга кўра, идорада ҳар ойда «Расмий ахборотнома» бюллетени нашр қилинади, ҳар чоракда "Интеллектуал мулкни бошқариш" журнали, ҳар йилда асосий йўналишлар фаолияти якунлари ҳақида йиллик таҳлилий ҳисобот китоби, "Истиқболли ихтиролар" тўплами чоп этилади. Шу билан бирга, энг зарур маълумотлар, норматив ҳужжатлар доимий равишда patent.uz веб-сайтимизга жойлаштириб борилади.

Давлат патент идораси 1992 йилнинг 1 октябридан 2011 йилнинг иккинчи чорагига қадар интеллектуал мулк объектларига 97,2 минг талабномаларни қабул қилди, Давлат экспертизаси текшириши ва хулосаларига биноан 33 мингта объект интеллектуал мулк объектлари давлат реестрларида рўйхатдан ўтказилди. Давлат патент фондини шакллантириш ҳам идорамизнинг бош вазифаларидан бири бўлиб, у мустақиллик йилларида 16 миллион нусхадан 66 миллион 800 мингдан ортиқ сақлов бирлигидаги нусхагача кўпайди.

Албатта, интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бир қатор муаммолар тўпланиб қолганини ҳам таъкидлашимиз жоиз. Уларни бартараф қилиш учун олий ўқув юртларида "Патентшунос", "Патент вакили" номли мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, бу соҳанинг инфраструктурасини ташкил қилиш, вилоятларда патент хизматини кўрсатиш, соҳалар бўйича патентларни ҳужжатлаштириш, консультациялар, ўқув курсларини очиш, шунингдек, патент ва инновация жараёнларини уйғунлаштириш, яқин ҳамкорликда ишлашни кучайтириш зарур. Бинобарин, Президентимиз уқтирганидек, интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган XXI асрда интеллектуал мулк объектлари ҳамда уларга асосланган инновациялар маҳсулотлар рақобатбардошлиги учун кураш шароитида иқтисодий тараққиётнинг бош манбаи бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бахтиёр АМОНОВ,
Республика Давлат патент идораси директори

165 МИЛЛИОН ЁШЛИ ЎРГИМЧАК



Хитойда тадқиқот ишларини ўтказаётган олимлар улкан ўргимчак қолдиқларига дуч келишди, дея хабар беради «Biology Letters» журнали. Унга «Nephila jurassica» деб ном берилган.

Ўргимчак оёқларининг узунлиги 15 сантиметрни ташкил этади. 165 миллион ёшли мазкур жонзот мезозой эрасининг иккинчи — юра даврида яшаган, деган фикрни билдиришяпти мутахассислар. Шу кунгача "энг кекса" қолдиқлар 35 миллион ёшли ўргимчакларга тегишли эди.

Олимлар бу ўргимчак турини сайёрамизда Пангея суперконтиненти мавжуд бўлган даврда вужудга келган, деб ҳисоблашмоқда. Кейинчалик бу континент бўлакларга бўлиниб кетгач, жонзотлар ҳам янги континентлар вакилига айланишган.

Дарвоқе, Хитойнинг шимолий ҳудудида тадқиқотлар ўтказаётган бошқа бир гуруҳ олимлар ҳам ёши 165 миллион йилни ташкил этадиган бутунлай ўзга турга мансуб ўргимчак қолдиқларини топишган эди.

ИНФРАҚИЗИЛ НУРЛАР САРАТОН ҲУЖАЙРАЛАРИНИ ИЗЛАБ ТОПАДИ



АҚШнинг Сандиа миллий лабораториясида саратон (рак) ҳужайраларини соғлом ҳужайралардан бир зумда ажратиб берадиган лазерли технология ишлаб чиқилди. Келажакда бу технология саратон касаллигини бошланғич даврини аниқлашга ёрдам беради.

PhysOrg сайтининг хабар беришича, мазкур метод асосида рак ҳужайраларининг митохондриялар — энергия ишлаб чиқаришга масъул органоидлари жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари ётади. Методнинг ўта аниқ ва сезувчанлиги ёрдамида ҳар бир ҳужайрани тез ва аниқ текшириш имконияти саратон касаллигини илк даврида аниқлаш ва даволашда туб ўзгаришларга олиб келади.

«Biomedical Microdevices» журналида ёзилишича, айни кунларда бу метод сичқон жигари ҳужайраларида синаб кўрилмоқда.

СЎКИНИШ ФОЙДАЛИМИ?

Британиялик олимларнинг гувоҳлик беришича, сўзлашув жараёнида вақти-вақти билан сўкиниб туриш соғлиқ учун фойдали экан. Хусусан, "ўткир сўзлар" беозор кишиларга кўпроқ фойда бераркан.

Тадқиқотчи олимлар ўтказган экспериментда 70 нафар талаба қатнашган. Уларга қўлларини муздек сувда тутиб туриш, чидаб бўлмай қолган вақтда номақбул сўзларни ишлатиш таклиф этилган. Бу вақтда олимлар уларнинг мия марказлари фаоллигини ҳамда организмнинг бошқа реакцияларини ўлчашган. Маълум бўлишича, ҳақоратли сўзларни ишлатган талабалар қўлларини муздек сувда кўпроқ вақт тутиб туришган. "Сипо" талабаларда эса бу натижанинг акси бўлган.

Олимларнинг сўзларига қараганда, сўкиниш жараёнида эндорфин моддаси отилиб чиқиб, одам организмини оғриқсизлантиришга ёрдам берар экан.

ЙЎҚОЛГАН ОРОЛЛАР ТОПИЛДИ

Олимлар бутун дунё харитасига кам эмас, кўп эмас, накд 657 та йўқолган оролларни киритишди. Бу ҳакда «Journal of Coastal Research» журналида чоп этилаган маколада хабар берилган.

Тадқиқотчилар сунъий йўлдошдан олинган сўнгги маълумотлар ҳамда топографик хариталарни чуқур таҳлил этиб чиқишди. Бунинг натижасида юқорида қайд этилган «янги» ороллар топилди.

Шундай қилиб, эндиликда олимларга жами бўлиб 2149 яширин ороллар маълум. Уларнинг умумий кўлами 21 минг километрни ташкил этади. Шу билан бирга, бу оролларнинг аксарияти океан ва денгиз тўлқинлари ҳамда турли табиий офатлар туфайли ўз ҳажмини тез-тез ўзгартириб туради.

Олимлар келгусида яна кўплаб ана шундай оролларни топилишига ишонишмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент иқтисодиёт коллежи танлов эълон қилади

Ўқув муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлар Танлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолият ва тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

махсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Манзил: Юнусобод, 19-даҳа, 37-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 220-03-68, 220-02-63

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-10-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

"Ватан учун яшайлик" танловига

ВАТАН ИСИ УФУРГАН БОҒЛАР

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари... Қатағон изғирини кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Мулкдорлару муллалар номларидан тузилган қора рўйхатда Эшонжон ҳожининг ҳам исми-шарифи қайд этилганди.

Бу совуқ хабардан таҳликага тушган ҳожи тунда кўч-кўронини йиғиштириб, туғилиб ўсган диёри — Сурхон воҳасининг Тоқчи қишлоғини тарк этишга мажбур бўлди. У қўшни республиканинг тоғли Карони қишлоғидан қўним топди. Замон кирдикорларидан безгани учун бир йўла ўз исмини ҳам ўзгартиришга аҳд қилди. «Биз ўз юртимизда тўра эдик, бегона юртда қулмиз. Шу бугундан бошлаб исмим Тўрақул бўла қолсин», — деди.



Очерк

— Мустабид тузум отамизни бир зумда ҳам мол-мулкидан, ҳам исмидан жудо қилиб, «Тўрақул»га айлантирди, — дея хотирлайди Носирхон ота. — Мен ўшанда уч-тўрт ёшли болакай эдим. Ақлимни танигач, отамнинг ўзи туғилиб ўсган юрти, киндик қони томган тупроғини соғиниб, чеккан изтиробларига кўп бор гувоҳ бўлганман. Бизларни илмли этиб тарбиялаган отам, олган билимларингиз билан пайти келиб униб-ўсган азиз тупроғингизни гулзорларга айлантирасиз, дея бот-бот таъкидларди. Шундай қилиб, эллик йил Сурхондан олисда яшадик. Отам ҳар-ҳар замонда ҳеч кимга сездирмайгина туғилиб ўсган қишлоғимизга зиёрат қилиб келар, бу иш кўпроқ тунда амалга ошарди.

Ниҳоят, отам орзиқиб кутган кун келди. Биз Сурхонга, туғилиб ўсган қишлоғимизга қайтдик. Ўшанда падари бузрукворимизнинг ёш болалар каби қувонганини кўрганман. «Ўз юртимга боргач, ўлсам ҳам армоним йўқ», — дер эдилар. Ниятлари холис экан: айтганлари ижобат бўлди. Айтгандай, отамнинг орзулари ушалишига сўз бергандим. Сўзимнинг устидан чиқиш учун қадамлари теккан ўнқир-чўнқир ерларни текислашга тушдим. Бу борада менга қишлоқ хўжалик институтида таҳсил олганим қўл келди. Агроном одам тупроқ билан «тиллашиб» ўзини ҳаёт майдонида синаб кўриши лозим, деган қарорга келдим.

Сув тақчиллигини инобатга олиб лалми боғлар барпо этишга киришдим. Кўплар бундан натижа чиқмаслигини рўй-рост айтишди. Аммо мен ахдимда қаттиқ туриб олгандим. Бир кун қилган меҳнатим самара беришини ичичимдан сезиб турардим.

1991 йил Истиқлол қуёши илк бор бизнинг қирларимизга кўпроқ ёғдуларини сочди десам, муболаға бўлмайди. Юртбошимизнинг фермерлик фаолиятига қаратган юксак эътибори менинг кучимга куч қўшди. Меҳнатларим, интилишларим туфайли ниятим амалга ошди. Мана, бугун истиқлол тенгдоши бўлган ҳисобсиз лалми боғларим ўз ҳосилини бериб турибди. Уларга боқиб отамнинг пандлари кўнглимдан кечади: «Инсон туғилиб ўсган тупроғини қадрлаши керак».

Носирхон отанинг маҳзун ҳикоясини тинглаб, кўнглимиздан турли хил ўйлар кечади. Одамзот аҳд қилиб, аҳдига содиқ қолиб яшашни ўрганмоғи керак экан, деган хулосага борамиз. Негаки, падарига сўз берган фарзанднинг нималарга қодирлигини унинг қирларда тасбеҳ ўгираётган мўйсафид каби тизилиб турган олмазорлари тасдиқлаб турибди. Дарвоқе, бу мафтункор боғларни кезиб, мана буни Ватанни севиш деса бўлади, дегим келди.

— Мен бу қишлоққа тез-тез келиб тураман. Борлиқни тўлдириб анқиб турган олмазорлар исидан роҳатланиб, ҳақиқий Ватан исини ҳис қилгандек бўламан, — дейди «Сариосиё» газетасининг бош муҳаррири Абдурайим Раҳмонов.

Ҳа, ижодкор сўзи билан ифодалаш лозим бўлса, Ватан исини ҳис қилмоқчи бўлган одам унинг ҳар бир гиёҳидан яхшилик излайди. Зеро, Носирхон отанинг қақроқ қирларда қадаган ниҳоллари юрт тупроғини сиқимлаб қўкка бўй чўзиши беқорга эмаслигини фаҳмлаймиз. Кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритган собиқ агрономнинг тупроқ меҳри билан боғлиқ ҳаётий тажрибалари уни бунёдкорликка даъват этганининг сири ҳам шунда.

Умрнинг мазмунли кечиши учун яхши тилаклар доимо ижобат бўлишига ишонч ҳосил қилган боғбон биргина боғдорчилик билан кифояланиб қолмай гоҳ пахтазорларда, гоҳ ғаллазорларда, гоҳо қирларда қўй-қўзилар ичида оралаб юргани ҳайратимизни оширади. Тадбиркор боғбон Носирхон ота Тўрақулов лалмида боғ қилиш билан бир пайтда қирларда ўсиб ётган ёввойи дўлана дарахтларига нок дарахтининг қаламчасини пайванд қилди. Изланувчан боғбоннинг бу иши ҳам ўзини оқлади. Дўланалар нокка айланди.

«Интилганга толе ёр», деганлари шу бўлса керак.

Носирхон ота — қўли очиқ, саховатпеша инсон. У ўз ҳисобидан 2009 йилда 7 миллион 812,2 минг сўмлик моддий ёрдам амалга оширган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 145 миллион 214,5 минг сўмни ташкил этди. Натижада Қулмазор ва Газарак маҳаллалари юқори босимли табиий газ билан таъминланди. Зарчоб қишлоғидан оқиб ўтувчи Тўпаланг дарёси устида узунлиги 33 метрлик темир-бетон кўприк қуриш эвазига аҳолининг олис йўли яқин бўлди. Шунингдек, Тоғчи қишлоғида 120 ўринли умумтаълим мактабини қуришга бош бўлган боғбон кам таъминланган оилаларга қорамол ва қўй, дардманд ҳамқишлоқларига ногиронлик аравачалари бериш, спорт мактабларини жиҳозлар билан таъминлаш, олий ўқув юртларига ўқишга кирган ёшларнинг ўқув-контракт тўловларини амалга оширишдек савобли ишларга бош-қош бўлаётир.

Бугун лалми боғларини 330 гектарга етказган отахон 84 ёшни қоралади. Унинг мақсади — янаям кўпроқ эзгу ишлар қилиш. Шу боисми, у ўзи барпо этган боғларнинг бир қисмини шогирдларига бўлиб берди. Уларнинг ҳам мустақил ишлашларига имконият яратди. Боғбоннинг лалми боғ барпо этиш усули эшитганларда катта қизиқиш уйғотгани сир эмас. Бугун отахоннинг хайрли ишларини қашқадарёлик фермерлар ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда, лалми боғ барпо этишни йўлга қўйишибди.

Эл-юрт учун қилинган яхшилик ҳеч қачон мукофотсиз қолмайди. Носирхон отанинг қирлар бағрида барпо қилган боғлари дунё аҳлини ўзига маҳлиё этгани чин. 2003 йили у «Шуҳрат» медали билан, ўтган йили эса Грециянинг халқаро илмий академиясининг профессори унвони билан тақдирланди. Яқинда Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилган Республика «Ташаббус» кўрик-танловида Носирхон ота ҳам қатнашди. Танлов отахоннинг фермерлик соҳасида қилган меҳнатларини юқори баҳолади. «Йилнинг энг яхши фермери» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган Носирхон Тўрақулов Президент совғаси — «Spark» автомашинасини қўлга киритди.

Ҳа, кўп йиллик меҳнатлар, изланишлар Носирхон отани элга танитди. Бепоён қирлар бағрида боғбонидек беқиёс боғларнинг қийғос гуллаганини кўриб, биз ҳам завқландик...

Сурхонда қирларнинг
бағрини ўйиб,
Лалми боғ яратди
бир кекса боғбон.
Қуёшнинг тафтидан
елкаси қуйиб,
Инсонни бошлади
эзгулик томон...

Ахтамқул КАРИМ

Молия муассасаларида

ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

AGROBANK

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантиришга оид қатор қарор ва фармонлари соҳа ривожига катта туртки бўлмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, бугун юртимиздаги барча молия муассасаларида тадбиркорлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди, кредитлашнинг янги механизми яратилди, аҳолининг бўш пул маблағлари билан ишлаш жараёни замонавийлашди. Шунингдек, капиталлашувни тезлаштириш ва самарали бошқарув тизимини яратишга эришилди.

Мамлакатимиздаги бундай ижобий иқтисодий ўзгаришларда «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Жумладан, мазкур молия муассасасининг Андижон вилоят бошқармаси филиаллари фаолияти мисолида буни яққол кўриш мумкин. Асосий эътибор иқтисодиётнинг агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш, мижозлар сонини кўпайтиришга қаратилган ушбу банкда ўтган йилларда бажарилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, талайгина ютуқларга эришилганига шоҳид бўламиз. Айни пайтда «Агробанк»нинг вилоятдаги туман ва шаҳарларда 16 та филиали мавжуд бўлиб, 36 та мини банкларда мулкчилик шаклидаги 22224 та юридик ва жисмоний шахсларга комплекс тарзда тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатилмоқда.

Банкнинг 2010 йилга мўлжалланган кредит сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ саноат, савдо ва таъминот-тайёрлов тармоқларига қисқа ва узоқ муддатларга кредитлар йўналтирилди. Жумладан, ўтган йил давомида якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектларига 20778,0 миллион сўмлик кредитлар ҳисобидан қишлоқ жойларида юқори инновацион лойиҳалар молиялаштирилди. Бундан ташқари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 1273,0 миллион сўм, тадбиркор аёлларга 3107,5 миллион сўм кредитлар берилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ эса 697 миллион сўм миқдорида пул маблағлари ажратилган бўлса, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бўйича 12753,0 миллион сўмлик тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратилди.

Яна бир эътиборга молик масала Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан молия муассасасининг шаҳар ва туман филиаллари томонидан жами 5377,5 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилганлигидир. Шунинг қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жами 3144,0 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳам аҳамиятлидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада банк томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги ва шу сингари қонунлар ижросини таъминлаш ва тармоқни яна ривожлантириш учун мизожларга имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Масалан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан шахсий томорқаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева кўчатларини сотиб олишга ва керакли техника воситаларни сотиб олиш учун 5771,0 миллион сўм кредитлар берилди.

Бундан ташқари, Халқаро Тараққиёт уюшмаси маблағлари ҳисобидан фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида юқори унумли "TS-60-70" русумли ҳайдов тракторлари ҳамда "New xolland" дон уриш комбайнлари сотиб олиш учун 1677 миллион сўм, паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун 400 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани республикамиздаги барча молия муассасалари сингари «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олган. Жумладан, "Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!" шиори остида тижорат банкларининг барча филиал ва мини банкларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида ҳар бир филиалда алоҳида "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилиб, катта малака ва тажрибага эга бўлган ходимлар мижозларга маслаҳат беришмоқда. Қолаверса, банк биносига кириш жойида мижозларни кутиб оладиган ходим учун жой ташкил этилиб, бу ерда мижозлар томонидан таклиф ва мулоҳазаларни билдириш китоби юритилмоқда.

Шунингдек, "Тадбиркорлар хонаси"га кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мижозларга хизмат кўрсатиш вақтида эркин кириб чиқиб, зарур маълумотлардан фойдаланиши учун зарурий техника (компьютер, принтер, факс, имкониятдан келиб чиқиб интернет) билан таъминланган. Банк хизмати турлари, шу жумладан, мижозларга ҳисобварақ очиш, кредитлаш, лизинг операциялари бўйича меъёрий ҳужжатлар мазмуни бўйича брошюра ва буклетларни тайёрлаб, тадбиркорларга чекловларсиз тарқатиш ташкил қилинган.

Яна бир маълумот. 2011 йилнинг биринчи чораги давомида банкнинг вилоятдаги филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 4 миллиард 17,5 миллион сўм кредит маблағлари ажратилиб, 589 та янги иш ўрни яратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 баравар кўп демакдир. Ажратилган ушбу маблағнинг 120 миллион сўми саноат соҳасига, 1882,3 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 1439,2 миллион сўми савдо фаолиятига, 365 миллион сўми қурилиш соҳасига, 182 миллион сўми эса маиший хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Фикр

Мактаб йилларидаги дафтарларимни варақлай туриб адабиёт фанидан ёзганларим диққатимни тортди. "Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор" деган мақолни алоҳида белгилар билан ажратиб ёзган эканман унда. Эсладим, 4-синфда адабиёт дарсида ўқитувчимиз сўзнинг қадр-қиммати, куч-қудрати, сўзлашиш маданияти ҳақида гапириб, ушбу нақлни келтириб ўтганди. Ўшанда фақат чиройли эшитилгани учун ёзиб қўйган бўлсам-да, бугунга келиб унинг нақадар теран маънога эгалигини тушуниб етдим. Ва англадимки, кўпчилигимиз ҳа, деганда сўзнинг қадри ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Руҳият насими хуш бўлса

ёки тил ярасига малҳам излаб...

Ҳар куни ҳаммамиз тонг отгандан кун ботгунига қадар, уйғонганимиздан то уйқуга кетгунча атрофдагилар билан мулоқотда бўламиз, муомала қиламиз. Теваракдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабат билдирамиз. Шу аснода яхши ва ёмон, аччиқ ва ширин, қаҳрли ва меҳрли, дилга ором берадиган ва юракка ўқдек қадаладиган сўзлар билан бир-биримизни "сийлаймиз".

Куннинг қандай ўтиши эрталаб айтган бир оғиз каломингдан аён бўлади, дейишади. Ростдан ҳам субҳидамда яхши ниятлар қилсак, бир-биримизга хуш каломлар айтсак, ўша куни ишимизда ҳам унум бўлади. Аксинча бўлганда эса... "Фалончининг кайфияти йўқми, қўпол муомала қилаяпти", "Писмадончи чап ёни билан турган шекилли, ҳаммага захрини сочаяпти" деб қолишади кўрс-кўпол сўзлаган кишилар ҳақида. "Намунча хурсандсиз? Бир гапириб ўн куласиз?" дея сўрашади хушкайфиятли кишидан. Демак, сўз орқали нафақат муомала қилинади, балки киши кайфияти, руҳияти ҳам ифода этилар экан.

"Яхши гапга гадолар кўп, фидолар йўқдур" дейишган машойихлар. Демак, ҳамма ҳам яхши гапни эшитишни истаркану, аммо унга фидо бўлмоқликка, яъни бир умр яхши сўзлик бўлиб қолишга, сўз бирла иш ҳамоҳанг бўлиши кераклигига ҳамиша ҳам эътибор қилавермас экан...

"Келин бўлиб тушганимда рўзғор ишларига унчалик уқувим йўқ эди. Шунинг учун бирор ишни бошлашда жуда довдираб, иккиланиб қолардим. Лекин бахтимга қайнонам жуда бағрикенг инсон экан. Яхши гапириб, билмаганларимни ўргатиб хатоларимни тузатишга ҳаракат қилдилар. Бир куни ишхонада шу ҳақда мақтаниб гапирсам: "Янгисиз-да, ҳозир билинмайди. Сал вақт ўтсин, заҳар томган гаплардан ҳам эшитасиз", деди бир ҳамкасбим. Бу гапдан кўнглим вайрон бўлди. Шундан сўнг қайнонам ҳар қанча ўзини менга яқин олса-да, мен тобора ўша ҳамкасбим айтган қобиққа ўралиб олавердим. Аммо адашган эканман. Буни орадан йиллар ўтиб тушундим. Қайнонам келганимда қандай бўлсалар бугун ҳам шундайлар. Ўзим ҳам қайнона бўлдим. Ҳозир келинимга худди қайнонам ўргатганларидек рўзғор юмушлари-ю ҳаёт сабоқларини ўргатаяпман", — дейди Муҳаббат ая.

Болалик йилларида эртак тингламаган киши бўлмаса керак. Ўша эртакларнинг яхшилик, эзгулик билан якун топиши, қаҳрамонларнинг мурод-мақсадига эришишида яхши гап, ширин сўзнинг ўрни муҳим бўлган. Нотаниш ўлкаларда бегона одамлар даврасига тушиб қолган киши яхши гап билан ўз йўлини топган, нияти амалга ошган. Ёвуз ва бешафқат кишилар ҳам яхши гапдан "эриб" ёмонликдан қайтган. Ёмон сўзли, бадхулқ кимсалар хулқ-атворига яраша "мукофот" олган. Афсуски, ҳаётимизда шундай инсонлар учрайдики, уларнинг муомаласи ёқимсиз таассурот қолдиради. Энг ёмони, бу таассуротнинг бир умрга хотирада муҳрланиб қолишидир.

Талабалик йиллари эди. Бир куни ётоқхонада яшайдиган курсдошим Шаҳлонинг ҳолидан хабар олишга бордим. Хонасига кирсам, йиғлаб ўтирибди. Сабабини суриштирдим. "Биласан, камқувватман. Шунинг учун тез-тез дармондорилар ичиб тураман. Яқинда шамоллаб қолгандим. Шифокор сироп ёзиб берди. Олиб келгач, қопқоғини очолмай ҳамхонамга айтсам: "Бирам кўп дори ичасан. Лекин жонинг йўқ. Ҳатто шугинани ҳам очолмаяпсан. Ҳадеб дори ичаверсанг жигаринг титилиб тамом бўласан", деди. Унинг бу гаплари юрагимга ўқдек қадалди", деди дугонам ўксиниб. Бу воқеага қанча йиллар бўлди. Шаҳло ҳозир гулдек хонадоннинг бекаси, икки фарзанднинг онаси. Бироқ сўзнинг қудрати, қадри ҳақида гап кетганда у ўша нохуш воқеани, калтафаҳм ҳамхонаси сўзларини алам билан эслайди. Тиғ яраси битади, тил яраси битмайди, деб шунга айтсалар керак...

Қўли очиқнинг — йўли очиқ дейди, доно халқимиз. Агар таъбир жоиз бўлса, сўзи ширинниг ҳаёти ширин, умри сермазмун деган бўлардим. Чунки хушфеъл, хушхулқ, ширинкалом инсонлар ҳаётда доимо ўз ўрнига, иззат-ҳурматга сазовор бўлиб келган. Тилимизни яхши сўзлар билан бойитишга, атрофдагиларга хушфеъллик ила муомала қилишга ўргансак, бу фақат ўзимиз учун эмас, ўзгалар учун ҳам кони фойда. Зотан, яхши сўз жон озиғи, руҳият насими. Хуш калом руҳиятимизга ором бағишлаб, доим яхшиликлар қилишга ва янги-янги эзгуликларга ундаса не ажаб!

Ҳидоят ЮСУПЖОНОВА,
"Hurriyat" мухбири

Жаҳон адиблари тажрибасидан

"Адабиёт ўрганилиши керак бўлган илмдир"

"Ёлғизликнинг юз йили", "Бузрукнинг кузи" ва "Ошкора қотиллик қиссаси" асарлари билан ўзбек китобхонига яхши таниш бўлган колумбиялик адиб Габриэл Гарсиа Маркес жаҳон адабиётида ўз сўзи ва услубига эга ижодкорлардан бири саналади. Унинг адабиёт ҳамда дунёнинг классик ёзувчилари ҳақида билдирган фикрлари йиллар ўтса-да, аҳамиятини йўқотмаган. Бундан анча вақт муқаддам Гавананинг «Боэмия» журналида адиб билан кубалик журналист Мануэл Перейройнинг адабиёт хусусидаги суҳбати борасида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Ушбу суҳбатдан бир қисмини ихлосмандларга ҳавола этяпмиз.



— Анча йиллар аввал сиз айтган бир гап қулоғимга чалинганди. Ўшанда ёзувчи яхши асарлар яратиши учун Сервантес, Лопе де Вега, Кеведолардан кўра дадил бўлиш билан бирга, ўз олдига аниқ мақсадлар қўя билиши керак, дегандингиз. Ҳозир-чи, бу борадаги фикрингиз ўзгармадими?

— Ёзувчи учун ўртамиёналик, камтарлик — ортиқча яхши фазилат, деб ўйлайман. Агар сиз эл қатори ёзиш ниятида бўлсангиз, у ҳолда ўша оддийлар даражасида қоласиз. Дунёда барча шуҳратпараст инсонлар доим ўз олдиларига юксак-юксак мақсадларни қўяди. Устига-устак, улар Софокл, Достоевский каби даҳоларни мисол келтириб, сенга ёзишни ўргатишга интилади. Шундай экан, нима учун бу буюк рассомлардан ёмонроқ ёзишимиз керак? Ижодкорнинг мақсади эса улардан яхшироқ ёзишга уриниб кўринишдан иборат эмасми?

— Демак, Режи Дебре бир интервьюсида ўрнак бўла оладиган даҳолар заифлашмасдан олдин улар билан курашиш керак, деб таъкидлаган фикрга сиз ҳам қўшиласиз...

— Доим шундай ўйлаб юраман. Шунинг учун ҳар гал одамлар менга Фолкнер тўғрисида гапиришганда мақсадим унга тақлид қилиш эмаслигини айтаман. Бундай фикрлардан қутулмоқ учун ҳар бир ижодкор америка адабиёти вакилидан дурустроқ ёзиб, омма онгига таъсир кўрсатиши керак. Ана шунда барча майда-чуйда гапларга ўрин қолмайди. Тақлидлар борасида ҳам.

— Сизни Сервантесга ҳам тақлид қилади, деб гапиришади...

— Йўқ, у менга таъсир кўрсатган, деб ўйламайман.

— Ёзган асарларингизни оммага эълон қилишдан олдин айримлар сингари кимгадир ўқиб чиқишга берасизми?

— Ҳеч қачон. Асарларим у ёқда турсин, ҳатто ёзган бирор ҳарфимни-да ўзгага кўрсатмайман. Чунки адабиёт жамият маҳсули бўлса-да, уни индивидуал шахс яратади. Қолаверса, асар ёзиш фақат бир кишининг ижодий меҳнати ҳисобланади. Ҳеч бир инсон сенга ёзишга ёрдам беролмайди. Асар битаётганингда сен мутлақо ёлғизсан, ожизсан, бошқача айтганда, худди денгиз ўртасида ғарқ бўлаётган кемадексан гуё. Агарда кимнингдир ёрдамига суяниб, асарларингни бирор кимсага берсанг ва у сенга нотўғри йўналиш берса, бу — ижодкор учун ўз оёғига болта уриш билан тенг.

Иккинчи томондан эса, асар ёзаётганингда нималарни ўйлаётганингни, ҳис қилаётганингни сендан бўлак ҳеч ким билмайди. Аммо асарларим баҳосини билиш учун бошқачароқ системага асосланаман. Ҳар сафар нимадир қораласам доим дўстларимга сўзлаб бераман. Уларнинг баъзиларини айтишича, ўзим унутган ҳолда битта ҳикояни уларга уч марталаб айтиб берарканман. Энг қизиғи, битта ҳикоямни ҳар сафар ўзгартириб гапирарканман. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Шу тариқа дўстларимнинг реакцияси орқали ўзимнинг ютуқларим ва кучсиз томонларимни билиб оламан. Бу зайлда ишлаш менга қоронғуликда қаерда бўлиш ва туришни ўргатади.

— Замонавий технологияларга муносабатингиз қандай? Яъни демоқчиманки, доим электрон машина ёрдамида ёзасизми?

— Бир куни унда ёзишга уриниб кўрдим ва ўрганиб олдим. Ҳатто ҳозир унинг ёрдамисиз бирор ишни ҳам бажара олмайман. Ғайриоддий қийинчиликлар нимадир ёзишга тўсқинлик қилиши мумкин. Бундай ҳолларда электрон машиналар тўсқинликларни шундай бир сиполик билан ҳал этадики, буни ҳатто сезмай ҳам қоласиз.

Электрон машинада ишлашдан қўрқадиган кўплаб ёзувчиларни биламан. Кези келганда бир гапни айтиб ўтишим керак: ҳаётда севги, муҳаббат, нафрат, адоват, адолат каби туйғулар мавжуд. Бироқ ижодкор уларни ёзиши, рассом чизиши учун у бахтсиз бўлиши ёки очликни бошидан кечириши керак. Аммо яхши шароитда зўр асарлар ёзилади, деган фикрга ҳам қўшиламан. Фикримча, очликни тасвирлаш учун инсон оч қолиши шарт эмас, балки ҳис қилишнинг ўзи кифоя.

Инсоний туйғулардан ташқари ёзувчи учун бошқа нарсалар зарур. Масалан, агар сен ёш бўлсанг, ўша руҳда ёзасан. Фикрлар худди фавворадек қуйилиб келаверади. Ўша пайтда инсонда бўлган туйғуларнинг эса аста-секин ўлиб бориши жуда осон. Мабодо ёшликда ёзувчиликни танлаб, кейинчалик қобилиятни йўқотиб қўйсанг, бошқа ёзолмаслигинг мумкин. Ёдимда, газетада таржималар тайёрлаб, репортаж ва мақолалар ёзиб юрганимда, ишни тугатиш учун ёки ижод қилиш баҳонасида ярим тунгача ишхонада қолиб кетган пайтларимда гоҳида бир уринишда ҳикоялар ёзардим. Ҳозир бутун иш куним давомида бир энлик яхши нарса ёзсам ўзимни бахтли, деб ҳисоблайман. Эртаси куни эса бор вақтимни ҳалиги битган "асарчам"ни қайта ишлашга сарфлайман.

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан касб танлаш ҳақида, бир вақтлар "адабиёт устаси" Эрнест Хемингуэй тўғрисида айтган фикрингизга уланмокда...

— Хемингуэйни дурдона романлар эмас, ажойиб ҳикоялар муаллифи деб ҳисоблайман. Унинг романлари ёзилишида бироз оқсоқланишлар бор. Аммо ҳикояларида ушбу жанр қандай мезонларни талаб қилса, ҳаммасини учратишингиз мумкин. Биласизми, мен нима учун Хемингуэйни яхши кўраман? Бунга на унинг романларининг, на ҳикояларининг алоқаси бор. Каминага адибнинг ёзувчиликда қўл келадиган маслаҳатлари жуда ёқади.

— Услуби-чи?

— Айнан ушбу адиб кишиларга адабиёт техникаси ва методидан дарс беради. Албатта, бунинг бир нечта салбий томонлари бор. Жумладан, унинг техникаси ҳаддан ташқари ақлга асосланган. Бироқ такрор айтаман: маслаҳатлари жуда яхши. Ҳикоялари сиртдан жуда оддий бўлиб туюлса-да, уларнинг аксарияти ҳар томонлама пухта-пишиқ ёзилгани, ҳажмининг кичиклиги билан ўқувчини ушлаб тура олади.

Биз табиатда кўриб ўрганган айсберг жуда катта, тўғрими? Аслида эса, ушбу муз тоғининг саккиздан етти қисми сув остида бўлади. Хемингуэй ҳикоялари худди шундай. Уларнинг ҳажми ихчам бўлгани билан мазмунмоҳияти чекланмаган. Шу боис, ёш ижодкорлар ушбу хулосаларни англамоғи жуда муҳим. Чунки жаҳон адабиётини ўрганмасдан туриб, дуруст асарлар ёзиш (мабодо у фавқулодда ҳайратомуз даҳо бўлмаса) мумкин эмас.

Шу ўринда ижод маданияти, илҳомга ва стихияликка ишонишни ҳам айтиш жоиз. Шу маънода айтганда, адабиёт ҳам ўрганилиши керак бўлган илмдир. Зеро, ўн минг йил илгари яратилиб, ҳамон яшаб келаётган асарлардан бугунги ҳикояларгача танишиб чиқиш ҳар бир қалам аҳлига оддий ва самарали ижод қилиш имкониятини беради.

Хемингуэйнинг яна бир муҳим маслаҳати ҳозирги замонда ҳар куни амалиётда кўп бора таъкидланади. Бу — энг қийини — ёзишни бошлаш. Ҳақиқатда шундай. Кучли истак билан ёзиш учун қўлга қалам олган одам оппоқ қоғоз қаршисида бўлиши ўта мушкул. Шунга қарамасдан бугунги ишни ўша лаҳзада бажарган яхши. Эртанинг ҳам ўз ташвишлари, ўз юмушлари бор. Агар имконият бўлса, бугунги ишни кеча бошланган жойидан давом эттиришга одатланмоқ муҳим.

Айтган фикрларимиздан Хемингуэйнинг буюк ёзувчи эмаслиги ойдинлашса-да, ўқувчилар уни юзаки деб қарамаслигини қўшимча қилиб ўтишим жоиз. У фақат ёзиш нормаларини ишлаб чиққан ижодкор.

— Китобларининг тили борасида қандай муносабатдасиз?

— Ҳеч бир фикр айтолмайман. Ахир, мен унинг асарларини аслиятда мутолаа қилмаганман.

— Асарларининг атмосфераси ва контексларичи?

— Мен сизга бир нарсани айтишим мумкин: Хемингуэй Кубада яшагани учун Кариб дунёсининг ёзувчиси бўлишига яхши имконияти бўлган. Бироқ у шундай, аммо у ернинг бошқа адибларига ўхшамади. Чунки Хемингуэй — бутунлай адабиёт назарияси. Унинг ижоди фикримизни тасдиқлайди.

— Назария ...аммо адибнинг ўзига хос "адабий руҳи" ҳам бор. Шундай эмасми?

— Ҳар бир киши ўзининг реаллиги билан ижод қилиши керак. Бу муқаррар нарса. Агар ёзувчи ўзининг реаллиги ва маҳоратига суянмаса, демак, у нотўғри йўлдан кетмокда.

Реаллик масаласида Фолкнерни мисол келтириш мумкин. У Колумбиянинг жанубий қирғоқлари манзарасини кўп ёзган. Ўқувчи ҳам буни ҳис қила олади. Шунинг учун Фолкнерни Кариб дунёсининг адиби дейиш мумкин.

— У ҳам тасодифан Хемингуэйдек шу номга эга бўлганми?

— Йўқ, албатта. Бунинг бошқа сабаблари бор. Масалан, Хемингуэйнинг "Бўрондан сўнг" ("После бури") ҳикояси жуда ҳайратланарли. Трансатлантик пароход ястаниб ётган чуқур денгиз худди шишали витрина остидагидек гўё. Буларнинг ҳаммаси ақлбовар қилмас даражада ажойиб. Ушбу ҳикояларни ўқиётиб, Хемингуэй ўзига эрк бермаганини, асарларида ўқувчини ушлаб турадиган бир куч борлигини сезасан киши.

— Ўзига эрк бермайди, деганда нимани тушуниш мумкин? Ё сўз, унинг фантазияси хусусида бормоқдами?

— Ҳамма гап унинг фантазиясида. Чунки Хемингуэй назария яратиб, ўзининг принципларини адабиётга талабчанлик билан татбиқ эта олган. Уни адабиётда биринчи бўлиб талабчанликни олиб кирган киши, десак, хато қилмаймиз. Бу борада келган сўнгги хулосам шуки, адиб ёзувчилик ҳақида асарларида адабий маҳоратнинг қадр-қимматини уқтирган.

— Сиз ёзган барча асарларим асосини реаллик ташкил этади, дегандингиз. Ҳойнаҳой, китобларингизнинг ҳар бир қаторида бу акс этмаган бўлса керак, албатта. Ёки буни исботлаб беришга уриниб кўрасизми?

— Мен шу пайтгача нима ёзган бўлсам уларнинг барчаси реал воқелик асосида яратилган. Агар бундай бўлмаганида асарларим фантазия бўлиб қоларди. Фантазия эса Уолт Диснейда бўлади. Мабодо китобларимда зиғирдек бўлса-да, фантазия борлигини сезсам уялиб кетаман. Шунинг учун ишонч билан айтишим мумкинки, бирорта ҳам китобимда фантазия топилмайди. Мисол тариқасида "Ёлғизликнинг юз йили" асаримдаги Мауриси Бабилон иштирок этган машҳур сариқ капалаклар эпизодида шундай дейилган: *"Қанақа фантазия? Жин урсин, ҳеч қандай фантазия йўқ. Мен яхши эслайман, олти ёшлигимда Аракатакедаги уйимизга монтер келганди. Назаримда, эндигина мен ўша оқшом бувимни оқ капалакдан қўрққанини кўраяпман."* Мана, сизга тушунтириб бўлмайдиган жумбоқлар.

— Батафсилроқ тушунтириб берсангиз...

— Очиғи, бу сирларни очиб қўяди. Бироқ бундай эмас: интилганинг сайин сирлар чуқурлашиб бораверади. Фокусчилар доим тухум мана бу ерда турибди, деб гапиради. Аммо гап шундаки, улар ип билан аввал осиб қўйилган тухумларни менда деб барчага кўрсатади. Энг қизиғи, фокусчи буни қандай бўлганини тушунтираётганида ҳақиқий жоду қолиб ҳамма бирдек уларнинг ҳаракатидан сеҳрланиб қолади. Чунки сеҳргарлик оддий бўлиб туюлса-да, ҳийла-найрангни чапдаст қўллар билан амалга ошириш жуда машаққатли. Шунинг учун мени фош қилувчи ҳеч нарсадан қўрқмайман. Менинг бувим эса ўзининг борлигини билдириш учун қўлидаги латтани силкитиб оқ (сариқ эмас) капалакларни ҳуркитарди. Мен унинг бақирганини ҳам эшитдим: "Жин урсин! Мен бу капалакларни ҳайдолмаяпман. Ҳар сафар монтер келганида улар ҳам уй атрофида пайдо бўлади. Бу мен учун доим шундай бўлиб қолаверади". Агар бу эпизод адабиётда такрор ишлатилса, нима бўлишини кейин кўрасиз.

Яна бир нарсани айтишим керак. Ҳақиқатан ҳам ўшанда капалаклар оқ эди. Бунга ҳатто ўзим ҳам ишонмадим. Дастлаб уларни сариққа айлантиришга уриниб кўрдим, лекин капалаклар аллақачон ўз рангини топишга улгурганди. Шундай қилиб, асарларимда реаллик биринчи ўринда, шу жумладан, капалакларнинг ранги ҳам. Барча адабий воқеаларнинг китобда ёзилиши-да бундан мустасно эмас. Буларни поэтикадан ҳеч бир бошқа йўсин билан юзага чиқариш мумкин эмас.

— Сўнгги савол: детектив асарлар борасидаги фикрингиз қандай?

— Менга бундай асарлар ярмигача ажойиб таассурот қолдиради. Негаки, улар чувалган ва чийралган ўйиндан иборат. Чийралган воқеалар ажойиб, бироқ чуваланганлари китобхон ихлосини қайтаради. Айтишим мумкинки, энг яхши детектив асар — Софоклнинг "Шоҳ Эдип"и. Чунки унда жиноят тергов билан очилади. Қотил эса адибнинг ўзи. Бунақаси яна яратилмаслигига ишонаман. "Эдип"дан кейин эса Чарльз Диккенснинг «Эдвин Друд сири» асари туради. Негаки, адиб китобни тугатмасдан олдин ўлган. Энди ҳеч ким қотил кимлигини билолмайди. Детектив романларнинг ягона камчилиги улар сенга ҳеч қанақа сир қолдирмайди. Адабиёт эса сирларни ошкор қилиш ва вайрон қилиш учун яралган. Буни қандай амалга ошириш — бошқа масала.

Азим РЎЗИЕВ таржимаси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Р англар мўъжизаси

«Меҳринг билан яшайман, Ватан!»

Санъат байрамидан репортаж

Тасвирий санъат ҳафталиги илк бор 2007 йилда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган эди. Шундан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган бу тадбир янада такомиллашиб, оммалашиб борди. Айниқса, жорий йилнинг 21-25 апрель кунлари ўтказилган ҳафталик нафақат пойтахтимизда, балки юртимизнинг барча вилоятларида ҳақиқий айёмга, чинакам санъат байрамига айланди. 21 апрель куни санъат ҳафталигининг очилиш маросимидан сўнг барча меҳмонлар, устозлар, халқ рассомлари ҳамда уларнинг шогирдлари байрам дастурхонига таклиф этилди.



Ўзбекистон Бадиий академияси ҳудудидаги ҳайкалтарошлик санъатининг гўзал намуналари билан безатилган кўркам хиёбонда Камолиддин Беҳзод номидаги Рассомлик санъати ва дизайн институти талабалари, Республика Рассомлик ҳамда Санъат дизайни коллежлари, Санъат лицейи ва кўплаб бошқа санъат мактаблари ўқувчилари баҳор қуёши ёғдусида нурланган хиёбон тасвирини натюрмортларда, миллий либосларда ўтирган дилбар қизлар суратларини мойбўёқларда матоларга мухрлашга киришдилар. Айни шу дақиқаларда Бадиий академия кўргазмалар залининг биринчи ва иккинчи қаватларида тадбир муносабати билан махсус тайёрланган иккита кўргазма очилди.

Биринчи қаватда истеъдодли ҳайкалтарош Азамат Ҳотамовнинг график асарлари ва унинг шогирдлари яратган бир-биридан гўзал ҳайкаллар намойиш этилди.

Шу ўринда моҳир ҳайкалтарош Азамат Ҳотамов ҳақида икки оғиз сўз айтмасак бўлмас. Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилиб ўсган Азамат мактабни тугатгач, пойтахтдаги педагогика институтига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Олийгоҳни тамомлаб, ўзи ўқиган мактабда физика фанидан сабоқ бера бошлади. Бироқ кутилмаганда ҳозирги Санкт-Петербург шаҳридаги Бадиий академияга ўқишга кирди. Кўп ўтмай устозларнинг севимли шогирдига айланиб, Бадиий академиянинг энг иқтидорли талабалари қаторидан ўрин олди. Битириб келгач эса, тезда ўзига хос услубда ижод қилаётган истеъдодли ҳайкалтарош сифатида танилди.

— Азамат аканинг институтимиздаги ҳайкалтарошлик факультетига ишга келиши айни муддао бўлди, — дейди қаламтасвир кафедраси мудири Муртазо Эргашев. — У киши талабаларга санъат сирларини чуқур ўргатиш билан бирга, ҳар бир талабанинг ўзига

хос услубини, туйғуларини, дунёқарашларини ҳам асраб қолади, ҳам шакллантира олади.

Ҳақиқатан, Азамат аканинг шогирдлари яратган дилбар ва гўзал, шарқона лирик асарларга боқар экансиз, беихтиёр, "Қойил, азаматлар!" деб юборганингизни билмай қоласиз.



Залнинг иккинчи қаватидаги тасвирий санъатимиз етук намояндаларининг асарлари билан ёнма-ён ёш мусаввирларнинг ҳам илк ижодий ишлари ўрин олган кўргазма "Меҳринг билан яшайман, Ватан!" деб номланган. Бу кўргазмадаги рангтасвир услубида яратилган икки авлод вакиллари қаламига мансуб портретлар, манзаралар, композициялар, ўзбекистонда рангтасвир санъати ҳамиша кучли бўлганига, нафақат Марказий Осиё давлатлари доирасида, балки бошқа миқёсларда ҳам некбин ва қудратли эканлигига асло шубҳа қилмайсиз.

Академия биноси саҳнининг чап томонига назар солсангиз деворга ўрнатилган узун паннога Республика Санъат лицейи бошланғич синф ўқувчилари чизаётган суратларни кўрасиз. Улар чизаётган учар тулпорлар, ўзбекона бешигу нақшинкор миллий бинолар билан бир қаторда композицияга уйғунлашиб кетган давлатимиз рамзларини кўриб, бу ўғил-қизларнинг тасаввур олами ва ижро маҳоратига тасаннолар айтасиз.

Чинакам санъат байрамини сўз санъатисиз тасаввур қилиш мумкинми? Йўқ, албатта. Камолиддин Беҳзод номли музей фойесида ранг ва тасвир усталари сўз санъати усталари — шоирлар билан учрашдилар. Бу анжуманда халқимизнинг севимли шоири Усмон Азимов ва Ахтамқули ўз шеърларини ўқидилар. Шунингдек, шоиралар Ойдиннисо, Гўзалбегим ва Ойгуллар ҳам тингловчилар қалбини гўзал шеърлар билан ром этдилар. Айниқса, бу байрамда иштирок этган Рассомлик санъати ва дизайн институти талабалари, Рассомлик ҳамда Дизайн коллежлари ўқувчилари ижодига мансуб миллий либосларга боқар экансиз, санъатимизнинг бу соҳаси ҳам дунё подиумларида эркин рақобатлашаётганига амин бўласиз.

Хўш, бу байрам ёш ижодкорларга, талаба, ўқувчиларга нима берди?

Аввало, санъат коллежларининг ўқувчилари олий ўқув юрти талабалари ҳамда устозлар билан ёнма-ён туриб ижод қилдилар. Ўз ишларига разм солдилар, ўзгаларнинг асарларини кўрдилар. Энг муҳими, то ўз касбининг устаси бўлиб етишгунча давом этадиган босқичма-босқич ўқиш жараёнининг натижалари қай даражада бўлиши кераклиги ҳақида тасаввурга эга бўлдилар. Бир-бирлари билан танишиб, дўстлашдилар.

— Албатта, ўқувчиларимиз байрамда кўп нарсалар ўрганди, — дейди Республика Рассомлик коллежи директори Орзиқул Рўзиев. — Хона ичидаги ёғду билан очиқ ҳаво ёғдуси бир-биридан кескин фарқ қилади. Биринчи босқич ўқувчиларимизнинг кўпчилиги очиқ ҳаво, яъни плэнерда ижод қилишнинг илк сабоғини олдилар. Шу ўринда уларнинг олий мактаб талабалари билан ёнма-ён туриб ишлаганлари айни муддао бўлди. Албатта, ўқувчиларимизга санъат сирларини чуқур ўргатиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз керак. Аммо коллеж ўқувчиларини ижод жараёнида бир ерда яхлит кўриб, уларнинг истеъдодли ёшлар эканига ишончим комил бўлди.

Санъат ҳафталиги республикамиз вилоятларида ҳам кенг нишонланганини назарда тутадиган бўлсак, бу байрам нафақат санъат аҳлининг, халқимизнинг ҳам Мустақиллик ва Наврўз байрами сингари халқ байрамига айланиб бораётгани қувонарли ҳолдир.

Байрамнинг якунловчи қисмида энг яхши ижодкор талабалар билан энг яхши жонкуяр устозлар қиймат-баҳо совғалар ва фахрий дипломлар билан тақдирландилар.

Гулнора РАҲМОН

СЕВИМЛИ ИНСОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ БЕБАҲО!
«СЕВИМЛИЛАР ЯҚИНРОҚ» АКЦИЯСИ
МТС компанияси «Севимлилар яқинроқ» акциясини 31 мартгача узайтиради!
МТС абонентининг битта рақамини «Севимли» рақам сифатида ўрнатинг ва шу рақамга бир ой давомида белул қўнғироқ қилинг.
Уланиш учун USSD-команда: *111*891* <халқаро форматда телефон рақами> #
$0 «Севимли» рақамга чиқувчи қўнғироқлар
$1,75 «Севимли» рақамни ўрнатиш нархи
Ишоҳ:
Акцияда фақат жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.
МТС бир қадам олдинда
Хизматлар лицензияланган

✓ Спорт

ПОЛВОНЛАР БУЮК БРИТАНИЯДА

Жорий йилнинг 4-5 июнь кунлари Лондон шаҳрида кураш бўйича "Ислом Каримов" анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтади.



Пойтахтимизда нуфузли мусобақани ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, кураш бўйича "Ислом Каримов" анъанавий халқаро турнирида иштирок этиш истагини билдираётган давлатлар ва полвонлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шу боис, мусобақа ташкилотчилари бу йилги турнирни йирик маданий ва спорт тадбирлари ўтказиладиган "Лондон Соккер Доум" мажмуасида ташкил этишга қарор қилди.

Буюк Британия кураш ассоциацияси турнирга болалар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар — имкон қадар кўпроқ спортчиларни жалб этишга эътибор қаратмоқда. Бу галги мусобақада Европа, Осиё ва Африканинг йигирмага яқин мамлакатидан уч юз нафардан зиёд полвонларнинг қатнашиши кутилмоқда.

Анъанавий халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини Баҳодир Ғаниев, Шаҳбоз Саидмуродов, Шарофиддин Лутфуллаев, Беҳзод Ўролов, Жавлон Рўзиев, Ниёзбек Чориев, Гулзира Каримова ва Мафтуна Эсонова каби маҳоратли курашчиларимиз ҳимоя қилади.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ЗАФАР ҚОЗОНДИ

Қарши шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган Халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувлари ўзбекистонлик истеъдодли теннисчилар — Нигина Абдураимова ва Альбина Ҳабибулиналарнинг ғалабаси билан якунланди.

Жуфтликлар ўртасида иккинчи рақамда сараланган мазкур дуэт мусобақа давомида қирғизистонлик Бермет Дуванаева ва исроиллик Маргарита-Грета Скрипникни 6:3, 6:3, япониялик Канаэ Хишами ва америкалик Александра Рилэйни 6:2, 6:3, Жанубий кореялик Сун Хи Хан ва россиялик Анна Рапопортни 6:1, 6:1 ва украиналик Анна Шкудун ва россиялик Екатерина Яшинани 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Турнирнинг яккалик беллашувларида кучли ўйин намойиш қилган Екатерина Яшина финал учрашувида грузиялик София Квацабаяни 6:2, 6:3 ҳисобида енгиб, мусобақа ғолибига айланди.

РОНАЛДУ КУЧЛИМИ Ё МЕССИ?

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» футбол клубини қарийб чорак асрдан бери бошқариб келаётган бош мураббий сэр Алекс Фергюсон кўпчилик томонидан айни дамда дунёнинг энг кучли футболчилари дея эътироф этилаётган Криштиану Роналду ва Лионел Мессиларга ўз баҳосини билдирди.

— Ким кучли? Мессими ёки Роналду? Ўйлашимча, уларнинг ҳар иккиси ҳам буюк футболчилар, — деди ушбу мураббий журналистлар билан мулоқот чоғида. — Аммо мен доим Криштиану Роналдуни аргентиналик футболчидан бир бош юқори кўяман. Чунки унинг қандай инсон эканини яхши биламан. У фантастик футболчи, икки оёғида ҳам бир хил тўп сура олади. Шу билан бирга, у жуда тезкор ва иккинчи қаватдаги курашларда ҳам кучли. Месси эса бошқачароқ усулда ўйнайдиган фантастик футболчи.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Соат МУСАЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44
Навоий — 8-436-742-78-70

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

® — тижорат белгиси.

Адади: 8607 Буюртма — Г-426 1 2 3 5